

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ КОНСЕРВАЦИЯ ВА РЕСТАВРАЦИЯСИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ
КОНСЕРВАЦИЯ ВА РЕСТАВРАЦИЯСИ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

Ўқув-услубий қўлланма



ТОШКЕНТ 2017
«НАВРЎЗ» НАШРИЁТИ

КВК 80.08(5Ўзб)

М 80

УОК:80.14.32.12

**ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ КОНСЕРВАЦИЯ ВА
РЕСТАВРАЦИЯСИ: назария ва амалиёт.**

Ўқув-услубий қўлланма. –Тошкент: «Наврўз» нашриёти, 2017, 128 б.

Ўқув-услубий қўлланма Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ўқув юртларининг талабалари ва соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва қайта таёрлаш курслари учун махсус тайёрланди.

Муаллифлар:

ШУҲРАТИЛЛО ПЎЛАТОВ

ШАРИФЖОН ИСЛОМОВ

Масъул муҳаррир:

БОБОҲОН ҚОСИМҲОНОВ

Тақризчилар:


НАРГИЗА ЗОИТОВА

САНЖАР ҒУЛОМОВ

Ушбу қўлланма “Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида сақланаётган тарихий ҳужжатлар ҳолати таҳлили ва сақлаш шароитларини яхшилашнинг илмий асослари ва амалиёти” номли амалий лойиҳа доирасида тайёрланди ва нашр қилинди.

ISBN 978-9943-381-37-7

© «Наврўз» нашриёти, 2017 й.



К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги чегаралари доирасида турли тарихий даврлар мобайнида нафақат Марказий Осиё, балки умумжаҳон цивилизациясига сезиларли ҳисса қўшган давлатлар ва маданий-маърифий марказлар мавжуд бўлган. Бу маданият ўчоқлари ўзларидан бизга катта мерос қолдирганларки, улар бугунги кунда тарихимизни ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилишдан ташқари, бизга бадиий эстетик завқ берувчи объект сифатида ҳам кадрлидир. Бу маданий ёдгорликларни консервация қилиш, уни асраб авайлаш ва келажак авлодларимизга етказиб бериш бизнинг миллат сифатида ўзимизни нечоғли англашимиз, тарихимиз ва аждодларимизга бўлган ҳурматимизнинг аксидир. Тарихий ҳужжат ва қўлёзма асарлар шу маданий мероснинг залворли қисмини ташкил қилади. Юртимиздаги кўплаб музей, кутубхона, муассасалар ва шахсий фондларда қўлёзма ёдгорликларни учратишимиз мумкин. Бугунги кунда бундай объектларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш масаласига ҳукуратимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Консервация соҳасига тааллуқли қарорларнинг тасдиқланиши, соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий лойиҳалар ижросига кенг имкониятлар яратилиши, молиявий рағбатлантиришлар шулар жумласидандир. Республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан тасдиқланган “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳукумат қарорида ҳам мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиши кўрсатилган.

Давлат миқёсида олиб борилаётган сиёсий ва ижтимоий, айниқса таълим ва фан соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида маданий меросни ўрганиш ва тадқиқ этишга бўлган интилиш сезиларли даражада кучаймоқда. Ноёб тарихий манбалар, жумладан тарихий ҳужжатларни халқаро меъёрлар асосида сақлаш ва таъмирлаш йўналиши жадал суръатлар билан ривожланаётган истиқболли соҳа ҳисобланади. Мазкур соҳада нафақат амалий, балки илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилиши, айниқса, халқаро илмий ҳамкорлик лойиҳалари айти муддаодир. Зеро, бир неча асрлар олдин битилган тарихий ҳужжатларни халқаро меъёрлар асосида тўғри сақлаш ва таъмирлаш орқали уни сақлаб қолиш, келажак авлодга етказиш, илмий тадқиқотлар қилишга имконият яратиш учун мутахассисдан катта илмий ва амалий тажриба, билим ва кўникмалар талаб этилади.

Юқорида қайд этилган ҳукумат қарорларида таъкидланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг манбалар хазинасида сақланаётган *“Тарихий ҳужжатлар”* коллекциясининг консервацияси ва реставрациясига йўналтирилган лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳа давомида барча тарихий ҳужжатларнинг жисмоний ҳолати таҳлил қилиниб, коллекциянинг ҳозирги кундаги ҳолатини яққол акс эттирувчи маълумотлар базаси яратилди. Шу асосда ўта оғир ва зарарланган ҳужжатларни таъмирлаш, енгил зарарланган ҳужжатлар устида превентив консервациялаш амалиётлари бажарилди.

Шунингдек, лойиҳани амалга ошириш давомида олиб борилган амалиётлар, йиғилган маълумотлар, тавсиялар ва улардан чиқарилган хулосалар асосида турдош муассасаларда фаолият олиб бораётган ҳамкасбларимиз, соҳага алоқадор мутахассисларни тайёрловчи ўқув юртларининг талабалари ва шахсий коллекцияларига эга бўлган соҳага кизиқувчилар учун тарихий ҳужжатларнинг реставрация ва консервациясига бағишланган ўқув-услубий қўлланма ёзилди. Қўлланмада тарихий ҳужжатларни сақлаш учун оптимал шароит яратиш, сақловхоналарни ташкил қилиш, консерваторларнинг бурч ва мажбуриятлари, таъмирлаш лабораторияларини ташкил қилиш учун зарур бўлган анжом ва ашёлар рўйхати ва бошқа фойдали маълумотлар берилган. Илова қилинган ҳужжатларнинг ўзбек тилидаги матнларини топишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли, уларнинг рус тилидаги муқобилларидан фойдаланишга қарор қилинди. Мазкур ўқув-услубий қўлланма соҳага эндигина кириб келган ёш мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилари, тарихий қўлёзма манбаларни сақлаш ва уларни таъмирлаш йўналишида таълим олаётган талабалар учун илмий ва амалий қўлланма бўлиб хизмат қилишига умид қиламиз. Шунингдек, муаллифлар ва лойиҳа раҳбари номидан Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик Институтининг етакчи илмий ходими Санжар Ғуломовга қўлланмани тузиш жараёнида кўрсатган амалий ёрдами ва маслаҳатлари учун миннатдорчилик билдирамиз.

**Манбалар хазинаси мудири
Бобоҳон Қосимхонов**



1-МАВЗУ. КОНСЕРВАЦИЯ ВА РЕСТАВРАЦИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА ҲАМДА СОҲАНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ ТАРИХИ

Режа:

1. Консервациянинг таркибий қисмлари
2. Консервация ва реставрация тарихи

Таянч иборалар: *тарихий объект, консервация, реставратор, превентив консервация, стабиллаштирувчи консервация, Венеция хартияси*


Консервациянинг таркибий қисмлари

Ноёб ёзма манбаларни, шу жумладан тарихий хужжатларни консервация қилиш амалиёти бир қанча таркибий қисмларни қамраб олади. Консервациянинг таркибий қисмлари Халқаро музейлар кенгаши (ICOM-СС) томонидан Ҳиндистоннинг Нью-Дехли шаҳрида 2008 йилнинг 22-26 сентябрида бўлиб ўтган конференция резолюциясида қатъий белгиланган.

**(ICOM-СС) - International Council of Museums
(Халқаро музейлар кенгаши)**

Ушбу резолюцияда консервациянинг таркибий қисмлари “*превентив консервация*”, “*стабиллаштирувчи (корректлаштирувчи) консервация*” ва “*реставрация*” каби қисмлардан иборат эканлиги белгиланган.

КОНСЕРВАЦИЯ



Тарихий ҳужжат ёки ҳужжатлар тўпламига нисбатан консервация тадбирларини амалга ошириш учун, соҳа мутахассиси томонидан қўйилган аниқ ташхис асосида превентив, стабиллаштирувчи консервация ёки реставрация амалиёти тури танлаб олинади ва бажарилади. Улар қуйидагича таърифланади:

Превентив консервация. Тарихий объектнинг аҳволи ёмонлашувининг олдини олиш, унга етадиган зарарларни минималлаштириш мақсадида олиб бориладиган барча комплекс чора-тадбирлар йиғиндиси. Превентив консервация амалиёти тарихий объектнинг атрофида олиб борилиб, у объектнинг кўриниши ёки структурасининг ўзгаришига олиб келмайди. Ушбу амалиёт жараёни ўз ичига тарихий ҳужжатларнинг белгиланган меъёрларга мувофиқ тарзда жихозланган сақловхоналарда сақланиши, махсус жавонларга тўғри жойлаштирилиши, зарар келтираётган ташқи таъсир кучлари ва ашёлардан ҳимоя этиш каби комплекс тадбирларни олади.

Превентив конзервация амалиётига мисол



1-сурат. Олдинги сақлов ҳолати фотоси



2-сурат. Кейинги сақлов ҳолати


Стабиллаштирувчи (корректлаштирувчи консервация). Тарихий объектлар гуруҳи ёки алоҳида бир тарихий объектга нисбатан амалга ошириладиган, уларга зарар етказувчи жараёнларни секинлаштириш ва уларнинг структурасини мустаҳкамлаш учун амалга ошириладиган амалиёт ва чора тадбирлар. Корректлаштирувчи консервация амалиёти бевосита тарихий объектнинг ўзига нисбатан амалга оширилиб, баъзи ҳолларда унинг кўриниши қисман ўзгаришига олиб келади. Кальций гидроксиди ёки карбонат гази билан тўйинтирилган магнезиумлар воситасида ишлов берилган ҳужжатларнинг туси ўзгаришини мисол тарзида келтиришимиз мумкин.



Стабиллаштирувчи консервация амалиёти

Рестаурация. Тарихий объектга нисбатан бевосита амалга оширилиб уни тушуниш, идрок қилиш ва ундан фойдаланишни осонлаштириш учун амалга ошириладиган

хатти-ҳаракатлар. Бу ҳаракатлар фақатгина объект ўзининг баъзи функционал хусусиятларини йўқотганида ва аҳволи кескин ёмонлашганида амалга оширилади. Одатда бу хатти-ҳаракатлар объект ташқи кўринишининг ўзгаришига олиб келади.



4- сурат. Ҳужжатнинг реставрациядан олдинги ҳолати



5- сурат. Ҳужжатнинг реставрациядан кейинги ҳолати

Консервация тарихи. Консервация у ёки бу кўринишда қадимдан мавжуд бўлиб, инсониятнинг ўзи учун қадрли бўлган буюм ёки ашёларни узоқроқ муддат сақлашга бўлган интилиш ва эҳтиёжларидан келиб чиққан. Кўп ҳолларда консервация ва реставрация ишлари билан ўша объектга алоқадор ҳунармандлар ўз касбий кўникмалари доирасида шуғулланганлар. Вақт ўтиши билан ҳунармандлар орасидан ҳозирги тушунчамиздаги реставрация билан шуғулланувчи алоҳида қатлам ажралиб чиқди. Уларнинг илк вакиллари XVII—XVIII асрларга келиб шаклланди. Биз уларни дастлабки жиддий, профессионал мактабга эга бўлган реставрация марказлари, деб атай оламиз. Уларнинг пайдо бўлишига хусусий коллекцияларда сақланаётган ноёб санъат асарларининг умрини узайтиришга бўлган талабнинг катталиги сабаб бўлди.

Реставрациянинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ўз олдига тарихий объектнинг йўқотилган қисмлари ва функционал имкониятларини тиклаш, унинг ташқи кўринишини яхшилаш ҳамда уни консервация қилиш каби вазифаларни кўяди.

Булар орасида айниқса тижорий ва музей реставрациясини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Биринчиси ўз олдига тарихий объектнинг янада чиройлироқ қилиш, уни ҳаридор учун жозибалироқ қилиб кўрсатишни мақсад қилиб кўйган бўлса, музей консервацияси ўз ичига асосан превентив консервация амалиётини олади. Айнан превентив консервация амалиёти тарихий объектнинг дахлсизлигини сақлаш, унинг тарихий

ва бадий аҳамиятини ҳис қилиш ва ҳурмат қилиш, унинг умрини узайтириш намунаси бўлиб хизмат қилади.

XIX асрга келиб консервация ва реставрация жараёнларининг илмий асослари шакллана бошлади. Ҳунармандчилик ва илм-фаннинг физика, кимё, биология, архитектура каби соҳалари билан интеграция ўзининг дастлабки натижаларини кўрсата бошлади. Аммо, шунга қарамай, реставрациянинг асосий мақсади бўлиб, тарихий манбанинг йўқотилган функционал имкониятларини қайтаришдан кўра, унинг ташқи кўринишини яхшилаш ва янада жозибадор қилиб кўрсатиш турар эди. XIX асрнинг охирларига келиб бундай ёндошувга нисбатан танқидий назар билан қаровчи консерватор-реставраторлар синфи шакллана бошлади. Айнан шу қатлам реставраторларни замонавий реставрация ва консервация талабларига жавоб берувчи, соғлом нуқтаи назарга эга бўлган мутахассислар деб аташ мумкин. Бу тоифа реставраторлар буюртмачининг талабига биноан тарихий объектнинг бадий эстетик жиҳатларини бўрттириб кўрсатиш эвазига унинг тарихий аутентикасига путур етказиш амалиётига қарши қатъий эътироз билдира бошладилар. Уларнинг талабларига биноан, реставраторлар олдида тарихий объектнинг аслиятини сақлаб қолиш учун бошқа эҳтиёткорона (консерватив характерга эга) вазифалар қўйила бошлади.

Юқоридаги танқидий фикрга эга бўлган реставраторлар ёдгорликларни ўрганишнинг асоси бўлиб хизмат қиладиган “илмий реставрация”нинг шаклланишига сабабчи бўлдилар. Илмий реставрация ўз таркибига ёдгорликнинг тарихий жиҳатларни ўрганиш,

унинг техник ҳолатини тадқиқ қилиш, реставрация жараёнида ҳар бир босқични батафсил ҳужжатлаштириб бориш каби босқичларни олади.

XX асрнинг ўрталаригача реконструкция, реставрация, консервация тушунчалари орасида аниқ бир чегарани кўриш ниҳоятда мураккаб эди. Турли хил мактаб вакиллари турли мамлакатларда аралаш методика ва принциплар асосида иш олиб борардилар. Бу тушунчалар ўтасидаги қатъий чегарани белгилаб берувчи дастлабки ҳужжат-архитекторлар ва техник мутахассисларнинг II Халқаро конгрессида қабул қилинган *Венеция хартияси* бўлди. Биз бу ҳужжатнинг моҳияти ва матни билан кейинги бобларда ва илова қисмида батафсил таништирамиз. (2-иловага қаранг)

Марказий Осиёда реставрация тарихи ҳақида ёзма маълумотлар жуда кам. Қўлёзмаларнинг реставрацияси билан, асосан, саҳҳофлар шуғулланганлар. Улар қўлёзма китобларнинг муқовалари, китоб блокидан ажралган жузлари ва варақларни таъмирлаганлар. Варақларни таъмирлашдан ташқари, қўлёзмаларнинг йўқотилган ёки талофат кўрган қисмларидаги матн бошқа нусхалар асосида тўлдирилиши ҳам ўша давр реставрацияси учун хос жиҳатлардандир. Турли фондларда сақланаётган қадимий қўлёзмалар орасида таъмирланганлари ҳам талайгина, бироқ уларнинг қайси даврда таъмирлангани ҳақидаги қайдлар деярли учрамайди. Таъмирлаш учун ишлатилган материаллардан хулоса чиқарадиган бўлсак, баъзи қўлёзмаларни таъмирлаш ишлари бир неча аср аввал бажарилганига гувоҳ бўламиз. Баъзи қўлёзма асарларнинг матни охиридаги хаттотнинг (котиб) асар кўчирилган сана

хақидаги маълумотлари ва китоб муқовалари устидаги саҳҳоф муҳрида кўрсатилган сана орасидаги бир неча юз йиллик фарқ ҳам китобнинг таъмирланганига далолат қилади. Шубҳасиз, бу ишлар Марказий Осиёда реставраторлар фаолият олиб борганликлари ва улар бажарган ишлар юқори савияда, маҳорат билан амалга оширилганига ҳужжат бўла олади.

Семинар учун саволлар:


1. Консервация ва унинг таркибий қисмлари
2. Превентив консервация амалиёти
3. Стабиллаштирувчи консервация амалиёти
4. Реставрация амалиёти
5. Марказий Осиёда реставрация

Адабиёт ва манбалар рўйхати:

1.Мирабиле А. От приобретения до экспозиции (Руководство для библиотек и архивов Узбекистана). – Турция: Мега Басым, ЮНЕСКО, 2012. – 68 с.

2.Мирабиле А. Қоғоз ҳужжатларни сақлаш // Шарқ қўлёзмалари хазинаси. – Туркия: “Мега Басим”, UNESCO, 2012. – Б.122-142.





2-МАВЗУ. КОНСЕРВАЦИЯ ВА РЕСТАВРАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МЕЪЁРЛАШТИРУВЧИ АСОСИЙ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР

Режа:

1. Халқаро миқёсда қабул қилинган ҳужжатлар
2. Давлатлараро келишув ҳужжатлари
3. Маҳаллий ҳужжатлар
4. Маслаҳат-тавсия мақомидаги йўриқномалар.

Таянч иборалар: *норматив ҳужжат, Венеция хартияси, Нью-Дехли резолюцияси, НАРА ҳужжати, йўриқнома, қўлланма*

Ҳар қандай соҳа каби консервация ва реставрация ҳам маълум бир меъёрлаштирувчи норматив ҳужжатлар асосида ташкил қилинади. Биз уларни шартли равишда тўрт гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1. Соҳага алоқадор халқаро меъёрий ҳужжатлар бўлиб, маълум бир соҳа мутахассисларини бирлаштирган, соҳа ҳамжамияти томонидан тан олинган уюшма ёки бирлашма томонидан тайёрланган ва қабул қилинган ҳужжат ёки ҳужжатлар комплекси. Уларни маҳаллий ҳукумат органлари ёки иш юритувчи соҳа мутахассислари ўзларига дастуруламал сифатида қабул қиладилар.

2. Давлат миқёсида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар йиғиндиси. Бу турдаги ҳужжатларда соҳага оид тушунчалар, атамалар ва меъёрлар баён этилган бўлиб,

давлат тасарруфидаги идоралар шу меъёрий ҳужжатлар асосида иш олиб борадилар.

3. Фонд, коллекция ёки музей каби ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ички низом ва меъёрий ҳужжатлар. Бу турдаги ҳужжатлар ташкилот ва коллекциянинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Уларнинг ишлатилиш доираси одатда ушбу ташкилот доираси билан чегараланади.

4. Соҳага алоқадор мутахассислар, халқаро уюшмалар ёки ташкилотлар томонидан маълум бир муассаса учун ишлаб чиқилган маслаҳат-тавсия мазмунидаги йўриқномалар.

Биринчи турдаги ҳужжатлар сафига биз 1964 йил Италиянинг Венеция шаҳрида архитекторлар ва техник мутахассисларнинг II Халқаро конгрессида қабул қилинган *Венеция хартияси*, ICOM-ССнинг 2008 йилнинг 22-26 сентябрда Ҳиндистонда бўлиб ўтган конференциясида қабул қилинган *Нью-Дехли резолюцияси*, *Аслият ҳақидаги НАРА ҳужжати* ва бошқаларни мисол қилиб келтира оламиз.

The Nara Document on Authenticity - Япониянинг Нара шаҳрида ўтказилган ва сақлаш конвенциясига бағишланган халқаро конференцияда 45 мутахассис иштирокида ишлаб чиқилган ҳужжат. (3-шловага

Иккинчи турдаги ҳужжатлар тоифасига 2002 йилнинг 12 апрелида Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаш давлатлараро кенгаши томонидан қабул

қилинган “Информация, кутубхона ва ноширлик ишлари бўйича стандартлар системаси” давлатлараро стандартлари мисол бўла олади. Бу ҳужжат асосий тушунчалар, тер

минология, сақлаш ва реставрация қилишда амал қилиниши лозим бўлган меъёрий асосларни ўз ичига олиб, мамлакатимиз ва кўшни ҳудудлардаги ўз коллекциясида целлюлоза асосидаги ҳужжат ва китобларни жамлаган барча муассасалар учун таянч ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Учунчи турдаги ҳужжатлар муассаса томонидан ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқилган бўлиб, фойдаланиш доираси ҳам муассаса ҳудуди билан чегараланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг “Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Шарқ кўлёмалари хазинаси йўриқномаси” ва бошқалар.

Тўртинчи турдаги меъёрий ҳужжатлар сарасига 2006 йил чоп этилган Бирлашган миллатлар ташкилотининг таълим, фан ва маданият ташкилоти ЮНЕСКОнинг “Маданий меросни муҳофаза қилиш қўлланмаси”, Антонио Мирабилеенинг “Сотиб олишдан намоиш қилишгача” қўлланмасини киритишимиз мумкин.


Семинар учун саволлар:

1. Консервацияга доир халқаро ҳужжатлар
2. “Нью-Дехли резолюцияси” ҳужжатининг моҳияти
3. “Аслият ҳақидаги НАРА ҳужжати” нинг асосий мазмуни
4. Тарихий қўлёзма ҳужжатларни сақлаш ва таъмирлашга доир маҳаллий ҳужжатлар

Адабиёт ва манбалар рўйхати:

1. Мирабиле А. От приобретения до экспозиции (Руководство для библиотек и архивов Узбекистана). – Турция: Мега Басым, ЮНЕСКО, 2012. – 68 с.
2. ГОСТ 7.50–2002: Консервация документов // Межгосударственный стандарт. – Минск, 2003г.
3. Theory and History of Conservation / International Council of Museums - Committee for Conservation. <http://icom-cc.org>





3-МАВЗУ. ҚЎЛЁЗМА ХУЖЖАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

Режа:

1. Тарихий ҳужжатларнинг мазмунга кўра тавсифланиши
2. Тарихий ҳужжатларнинг шакллари

Таянч иборалар: *шажара, рулон, варақ, ёрлиқ, вақфнома, шахсий ҳужжатлар, иш юритиш ҳужжатлари*

Тарихий ҳужжатларнинг турлари

Тарихий ҳужжатлар мазмуни ва шаклига кўра турличадир. Консерватор-реставратор ноёб тарихий ҳужжатнинг жисмоний ҳолати устида амалий фаолият олиб бориш билан чекланса-да, унинг мазмуни ҳақида умумий маълумотларга эга бўлиши фойдадан ҳоли эмас.

Тарихий ҳужжатларнинг мазмун ва моҳияти

Ҳужжатлар нафақат ноёб тарихий экспонат, балки энг ишончли тарихий маълумотларнинг муҳим манбаи сифатида ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг тарихий ҳужжатлар коллекцияси мамлакатимиздаги ноёб хазиналардан бири ҳисобланади. Мазкур коллекциядан ёрлиқлар (*ҳукм, фармон, фармойишлар*), шахсий ҳуқуқий ҳужжатлар (*олди-сотди, мерос, никоҳ, гаров, қарз ва*

бошқа васиқалар), вақфномалар, иш юритиш хужжатлари (буйруқ, ариза, билдириш хати) ва бошқа хужжат турлари ўрин олган. Биз куйида хужжатларнинг кенг тарқалган баъзи турларига қисқача таъриф бериб ўтамыз.

Ёрлиқлар – Олий ҳокимиятда хон ёки амир томонидан маълум бир шахсга солиқдан озодлик, дахлсизлик, ҳатто маъмурий мустақиллик каби имтиёзлар бериш, шахсларга ер-сув инъом қилиш, кишиларни мансабларга тайинлаш муносабати билан тузилган хужжатлар гуруҳи


Шахсий ҳуқуқий хужжатлар (Қозилик хужжатлари) – қозихонада расмийлаштирилган ҳамда қозилар муҳри билан тасдиқланган олди–сотди, гаров хати, ижара хати, ҳадя хати, қарз олганлик ҳақида хат, васият нома, никоҳ шартномаси, даъводан воз кечиш хати, ривоят ва вақфнома каби шахслар орасидаги муносабатлар қайдини ифодаловчи хужжатлар.

Шажаралар – баъзи тарихий шахсларнинг генеологик ёки маънавий Силсиласи (масалан, Нақибандия пирлари силсиласи) акс эттирилган хужжатлар.

Иш юритиш ҳужжатлари. Бу турдаги ҳужжатларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ – олий ҳокимият девонхонасида турли сабабларга кўра тузилган ва ҳукмдор муҳри босилган фармойишлар. Иккинчи гуруҳ арномалардан (ариза, арзи дошт) иборат бўлиб, уларнинг баъзиларида мансабдор шахсларнинг илтимослари битилган бўлса, баъзилари оддий аҳолининг арзларини акс эттиради.


Тарихий ҳужжатлар мазмунидан ташқари ташқи кўриниши билан ҳам фарқланади. Уларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Турли ўлчам ва шаклга эга бўлган яхлит варақ кўринишидаги ҳужжатлар. Бу шаклдаги ҳужжатлар кенг тарқалган бўлиб, одатда бир ҳужжат бир варақда акс эттирилган бўлади.




6- сурат. Варақ шаклидаги ҳужжат намунаси

2. Рулон шаклидаги ўрам ҳужжатлар. Бу турдаги ҳужжатларни шартли равишда икки гуруҳга бўла оламиз. Биринчи гуруҳ ҳужжатларнинг бир ўрамида яхлит бир ҳужжат акс эттирилган бўлса, иккинчи гуруҳ ҳужжатларнинг бир ўрамига шакли ва мазмуни турлича бўлган ҳужжатлар маълум бир мақсадларни кўзлаган ҳолда жамланган.



7а - сурат. Яхлит рулон шаклидаги ўрам ҳужжат намунаси



76 – сурат. Рулон шаклидаги ўрамга жамланган турли ҳил ҳужжатлар намунаси

3.Китоб шаклига келтириб жамланган ҳужжатлар тўплами. Бу тур ҳужжатлар тўплами ташқи кўринишидан қўлёзма асар жилдидан фарқ қилмайди. Лекин бу жилдларнинг varaқлари ўрнида турли шакл, ўлчам ва мазмунга эга бўлган асл ҳужжатлар ёки уларнинг нусхалари тикилган.



8- сурат. Китоб шаклидаги ҳужжатлар жамланмаси

4. Катта ўлчамдаги яхлит тарихий ҳужжат, ёки даставвал рулон шаклида бўлиб, маълум сабабларга кўра тахланиб, муқоваланган ҳужжатлар



9- сурат. Муқоваланган яхлит тарихий ҳужжатлар


Семинар учун саволлар:

1. Тарихий ҳужжатларнинг қандай турлари мавжуд?
2. Тарихий ҳужжатларнинг шакллари

Адабиёт ва манбалар рўйхати:

1. Deroche Francois. Islamic Codicology an Introduction to the Study of Manuscripts in Arabic Script. – London: Al-Furqan Islamic Heritage Fondation, 2005. – 305 p.

2. Фуломов С. Тарихий ҳужжатлар // Шарқ қўлёзмалари хазинаси.–Туркия: “Мега Басим”, ЮНЕСКО, 2012.–Б.78-87.



4-МАВЗУ. ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР

Режа:

1. Тарихий ҳужжатларга салбий таъсир этувчи табиий омиллар: ёруғлик, ҳарорат ва намлик
2. Ҳашарот, чанг ва кирланишнинг тарихий ҳужжатларга салбий таъсири
3. Тарихий ҳужжатларнинг зарарланишида инсон омилли

Таянч иборалар: *салбий таъсир, ёруғлик, ҳарорат, нисбий намлик, чанг, замбуруз, кирланиш, ўзрилиқ, вандализм*

Тарихий ҳужжатлар коллекцияси ташқи ва ички сабаблар туфайли шикастланади. Ўз навбатида бу сабаблар ўзаро бир-бирига боғлиқдир. Ташқи емирилишнинг асосий сабабларидан бири тарихий ҳужжатлардан нотўғри фойдаланиш бўлса-да, унга ташқи муҳитнинг кимёвий, биологик ва механик таъсири ҳам зарар етказиши мумкин. Қоғоз асосга эга бўлган ҳужжатлар шикастланишининг ички сабабларига эса, уни тайёрлаш учун ишлатилган материалнинг сифатсизлиги, таркибида темир моддасига эга бўлган сиёҳдан фойдаланилганлиги каби омиллар сабаб бўлиши мумкин. Қуйида мазкур омилларга батафсил тўхталиб ўтамиз.

Ёруғлик

Биз учун одатий бўлган ёруғлик спектори ўзида бир неча тур рангларни жамлаган бўлиб, тарихий хужжатнинг емирилишининг асосий сабаблардан бири бўлиб хизмат қилади. Ёруғлик қоғозга турли хил йўллар билан салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Энг катта хавф унинг целлюлоза тўқималарини бўшаштириши ва оқибатда қоғоз структурасининг мўртлашуви туфайли содир бўлади. Сифатсиз қоғоз таркибидаги лигнин моддаси эса ёруғлик таъсирида осонлик билан ўз ҳолатини ўзгартиради ва қоғоз тусининг ўзгариши ёки таркибий тузилмасининг заифлашуви сабаб бўлади. Тарихий хужжатларнинг ёруғлик таъсирида оқариши, қорайиши ёки сарғайиши хужжат қоғози тайёрланган материал таркибига боғлиқ.

Ёруғлик таркибидаги ультрабинафша нурлар ҳам хужжатларни шиддат билан зарарлайди. Инфрақизил нурлар радиацияси эса микроиклимни кескин қиздириши орқали сақлаш меъёрларини бузади ва охир оқибат хужжатга талофат етказди. Асосини қоғоз ташкил қилувчи хужжатларни сақлашда оптимал ёруғлик меъёри 50-150 Lux.

Ҳарорат ва нисбий намлик

Хужжатлар коллекциясини сақлашда ҳарорат ва нисбий намликни назорат қилиш ниҳоятда муҳим. Асосини целлюлоза ташкил қилувчи хужжатларни сақлаш учун оптимал даража 20-22^o С ҳароратни ташкил қилса, нисбий намлик учун бу кўрсаткич 50-55 фоизни ташкил қилади.

Сақлаш ҳароратининг меъёрдан ошиб кетиши қоғоз таркибида кечаётган кимёвий жараёнларни тезлаштириб

юборади. Намлик даражасининг ошиши эса қоғоз сатҳида кечаётган кимёвий жараёнлар учун ниҳоятда қулай муҳитни ҳосил қилишдан ташқари кўплаб микроорганизмлар ва қоғозга зарар етказувчи зарарли ҳашаротларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Ҳарорат ва нисбий намлик даражасининг тез-тез ўзгариб туриши эса, целлюлоза структурасининг жадал суръатларда заифлашувига олиб келади. Намлик даражасининг меъёрдан ортиши қалин қоғоз асосга эга бўлган ҳужжатлар шаклининг деформациясидан ташқари сифатсиз сиёҳларнинг суркалиб кетиши ва варақларининг бир-бирига ёпишиб қолишига сабаб бўлади.

Чанг ва кирланишлар

Қўлёмалар коллекцияси сақланадиган хонадаги чанг қўлёмаларга ниҳоятда катта зарар етказиши мумкин. Бунга сабаб, ҳаво таркибидаги чангда жуда катта миқдорда органик моддалар мавжудлигидир. Улар қўлёмалар сатҳини кирлабгина қолмай, зараркунанда микроорганизм ва ҳашаротларнинг кўпайиши учун ниҳоятда қулай муҳит ҳосил қилади. Иккинчи хавф эса, ҳаво таркибидаги зарарли газлар туфайли вужудга келади. Бу турдаги кимёвий газлар фондларга тозаланмаган ҳаво оқими, сифатсиз материаллардан тайёрланган мебеллар, ўров материаллари воситасида кириб келиб, қўлёмаларнинг ичида кечаётган суст кимёвий жараёнларни тезлаштириб юборади. Улар нафақат фондда сақланаётган тарихий ҳужжатлар коллекцияси, балки фондда хизмат қилаётган ходимлар ва қўлёмадан фойдаланувчи тадқиқотчиларнинг саломатлиги учун ҳам зарарлидир.

Ҳашарот ва замбуруғлар

Кўлёмаларнинг аксарият таркибий қисмлари (муқова, қоғоз варақлар, тикилган қисмларининг иплари, крахмалдан тайёрланган елимлар) органик асосга эга бўлиб, уларга ҳашарот ва замбуруғлар осонлик билан зарар етказа олади.



10-сурат. Ҳашаротлар томонидан зарарланган варақ

Органик асосга эга бўлган кўлёмалар ҳашарот ва замбуруғлар учун озуқа бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳаво алмашинувининг меъёрлари бузилган, намлик ва ҳарорат даражаси юқори бўлган қоронғи хоналар ҳашарот ва моғор замбуруғларининг кўпайиши ва фаоллашуви учун қулай шароит ҳосил қилади. Бу биологик фаолликнинг оқибатида кўлёмаларга ўнглаб бўлмайдиган зарар етиши мумкин.

Механик зарар

Механик зарарлар сабабчиси сифатида биз авваламбор, табиий офатлар-зилзилалар, сув тошқинлари, ёнгин ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Бундан ташқари, китобларнинг жавондан тушиб кетиши, сув қувурларининг ёрилиши ёки фавқулодда вазиятлар ҳам Механик зарарга сабаб бўлади. Тарихий хужжатнинг зарба оқибатида эзилиши, юқори намлик ёки қисман хўл бўлиши туфайли етадиган зарарнинг оқибатлари бартараф этилишининг эҳтимоли юқори. Бироқ ёнгин туфайли етадиган талофат қўлёманинг баъзи қисмлари, баъзида эса, тўлалигича йўқотилишига сабаб бўлади.

Нотўғри фойдаланиш ва нотўғри реставрация

Қўлёмаларда кечаётган эскириш жараёнлари узок йиллар мобайнида, секинлик билан кечади. Улардан фойдаланишни нотўғри ташкил қилиниши эса, қўлёмаларга қисқа муддатда ўнглаб бўлмайдиган зарар етказилишига сабаб бўлади. Аксарият ҳолларда, қўлёмаларга зарар улардан нусха олиш, уларни намойиш қилиш, фойдаланиш ва мутахассис бўлмаган одам томонидан амалга оширилган “реставрация” амалиёти давомида етказилади.

Ўғрилик ва вандализм

Қўлёмаларга етказиладиган зарарнинг бу тури, афсуски учраб туради. Ўғрилик ғаразли ниятда, қасддан, маълум бир мақсадни кўзлаб содир этилади. Вандализм эса, тарбиясизлик, руҳий номукамаллик ва баъзи ҳолатларда тарихий ёдгорликнинг илмий, ижтимоий,

бадий ва рухий аҳамиятини хис эта олмаслик туфайли содир бўлади. Бу ҳолатларга йўл қўймаслик учун масъулият кўпчиликнинг, жумладан фонд маъмурияти, сақловчилар, кўриқлаш хизмати ходимлари ва қисман жамоатчиликнинг ҳам зиммасида ётади.

Табиий эскириш жараёни

Бу жараён барча тарихий объектларда муттасил давом этиб турувчи жараён бўлиб, унинг қандай суръатларда кечиши қўлёмаларнинг таркибий қисмлари қанчалик мустаҳкам, чидамли материаллардан ташкил тонганлиги, улар сақланаётган шароитнинг қўлёмалар учун белгиланган нормаларига қанчалик мувофиқлигига боғлиқ. Целлюлоза (қоғоз), протеин (пергамент) асосли материалларга ёзилган ҳужжатлар, уларга ёзилган ёзув сиёҳи турларининг кимёвий таркиби бир-биридан тубдан фарқ қилиб, уларда кечадиган эскириш жараёнлари ҳам турли тезликда кечади. Вақт таъсирида ҳар қандай материалнинг ичида мураккаб кимёвий реакциялар содир бўлади. Бунинг оқибатида материал структурасининг заифлашуви, ён атрофдаги бошқа турдаги материаллар таъсирида ўз хусусиятини ўзгартириши каби ҳолатлар кузатилади. Мазкур жараёнлар назарий жиҳатдан тўхтатиб бўлмасдек кўринса-да, қўлёмаларни тўғри сақлаш, уларга нисбатан стабиллаштирувчи ва консервация тадбирларини тўғри амалга ошириш ҳисобига уларнинг умрини узайтириш, ички кимёвий жараёнлар фаоллигини сусайтириш имкониятига эгамиз.

Семинар учун саволлар:

1. Ёруғлик, намлик ва ҳароратнинг тарихий ҳужжатларга салбий таъсири
2. Манбаларни нотўғри сақлаш ва улардан нотўғри фойдалишнинг салбий оқибатлари

Адабиётлар рўйхати:

1. Care and handling of manuscripts (Хранение и перемещение рукописей) // Cultural heritage protection handbook 2. – Published by the UNESCO Office in Tashkent, 2008. – 43p.

2. Мирабиле А. Қоғоз ҳужжатларни сақлаш // Шарқ кўлёмалари хазинаси. – Туркия: “Мега Басим”, ЮНЕСКО, 2012. – Б.122-142.

3. Мирабиле А. От приобретения до экспозиции (Руководство для библиотек и архивов Узбекистана). – Турция: Мега Басым, 2012. – 68 с.





5-МАВЗУ. ҚЎЛЁЗМА ХУЖЖАТЛАР ҲОЛАТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВА ҚАЙД ЭТИШ

Режа:

1. Тарихий ҳужжатлар коллекциясини мониторинг қилиш
2. Тарихий ҳужжатларни илмий ва техник тавсифлаш

Таянч иборалар: *илмий тавсиф, техник тавсиф, мониторинг, инвентаризация, ашё рақам, ўлчам, формат, ҳолат, дефект, шаблон, рН даражаси*

Тарихий ҳужжатларни консервация ва реставрация қилиш амалиётини уларнинг ҳолатини мониторинг қилишдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Мониторинг натижалари ишнинг умумий ҳажми, зарурий материаллар, муддат ва ижрочи иштирокчиларга бўлган эҳтиёж каби маълумотлар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини беради.

Ҳар қандай коллекция, бу таркиби ва экспонатларининг сони ўзгарувчан, динамик характерга эга бўлган муассасадир. Фондларда сақланаётган тарихий экспонатлар илмий тадқиқотга жалб қилиниши жараёнида, уларнинг электрон нусхаларини яратиш асносида, кўргазма ёки бирор тадбирда намойиш қилинганида коллекциядан ташқарида ҳам ҳаракатланиши мумкин. Фондларида миңлаб экспонатлар сақланаётган катта коллекцияларда эса, тургун ҳолатдаги коллекцияларнинг

ҳам сони ва таркибини инвентаризация қилиб туришга эҳтиёж катта. Инвентаризация ва мониторинг қилиш нафақат ҳужжатлар, балки уларнинг сақланиш ҳолати ҳақида умумий маълумотларни жамлаш, улар ҳақида маълумотлар базасини яратиш ва янгилаб туриш имконини яратади.



11 - сурат. Тарихий ҳужжатлар ҳолатини мониторинг қилиш жараёни

Араб ёзувида ёзилган тарихий ҳужжатлар фонди мавжуд бўлган муассасаларда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, бу турдаги ҳужжатларни махсус малакага эга бўлган шарқ тиллари (туркий, араб ва форс) ва араб ёзув турларидан (наسخ, настълиқ, риқъо, сулс, девоний ва бошқалар) хабардор мутахассислар тадқиқ

қилиб, идентификация қилишлари керак бўлади. Шунингдек, қўлёзмаларнинг таркибий қисмлари - муқова, муҳр ва жилдлари тадқиқ қилиниши лозим.

Иккинчидан, тарихий қўлёзмалар узлуксиз сурагда алоҳида эътибор, парвариш ва назоратга муҳтож. Уларнинг ҳолатларини нафақат коллекцияга қўшиб олиш вақтида, балки тасдиқланган календар режа асосида коллекция сақланаётган муассаса раҳбарлари ва консерваторлар муттасил назорат қилиб боришлари лозим. Бу турдаги мониторинг тадбирларини амалга оширувчи мутахассислардан бир қанча соҳалар бўйича билим ва кўникмалар талаб этилади. Улар тарихий объектнинг илмий, бадий ва тарихий аҳамиятини чуқур ҳис қилишлари, уларда кечаётган ички ва ташқи жараёнларни тезда илғаб, таҳлил қилишлари ва бу жараёнларни бошқариш ва уларга ижобий таъсир кўрсатиш бўйича зарур қарор чиқара олишлари керак. Юқоридаги бобларда таъкидлаб ўтганимиздек, ЎзРФАШИда сақланаётган ноёб тарихий ҳужжатлар коллекцияси таркибида сақланаётган ҳужжатларни сақлаш шароитларини илмий ўрганиш, уларга нисбатан консервация ва реставрация амалиётларини жорий этиш, ҳужжатларни сақлаш учун махсус қути ва ғилофлар таёрлаш, уларнинг жисмоний ҳолатлари акс эттирилган маълумотлар базасини яратиш мақсадида бир лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳа доирасида мутахассисларимиз ҳужжатлар коллекциясининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, тарихий ҳужжатларнинг жисмоний ҳолати, уларда кечаётган жараёнлар, уларнинг нуқсонлари акс этган жадвал шаблонини ишлаб чиқдилар. Шаблонда

кўрсатилган пунктлар бўйича мониторинг ўтказилса, биз нафақат тарихий ҳужжатни идентификация қилиш, балки унинг ҳолати ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиб, тегишли хулосалар чиқариш имкониятига эга бўламиз.


Папка № 29			Инвентар № 299		
Формат	Рулон	Варақ	Ўлчами	24	39
РН	6,5		Ҳолати	Урта	
Қоғоз тури		Чарм	Саноат	Шарқ	Европа
Мухр	3та		Матн	2 тарафида	
Дефектлар: Варақнинг четлари қорайиб, деформацияга учраган. Матн сиёҳи ўта суркалувчан, ностабил. Мухрларнинг 2тасининг сиёҳи суркалувчан. Ўнг тепа бурчагида кўнғир тусли доғ бор.					
Тавсиялар: Варақнинг четлари япон қоғози воситасида мустаҳкамланиши керак. Сиёҳи суркалувчанлиги сабабли этанолда C_2H_6O эритилган Clugel-G ($OSCH_2CH(OH)CH_3$) елимидан фойдаланиш тавсия этилади. Қоғоз структурасини мустаҳкамлаш учун Кальций гидрооксиди $Ca(OH)_2$ ва этанол C_2H_6O аралашмасидан фойдаланиш керак.					

Юқоридаги жадвалда кўриб турганимиздек, унинг юқори қисмидаги ячейкаларда кўрсатилган маълумотлар ҳужжатнинг кодикологик маълумотлари ва ташқи кўринишига оид маълумотлар билан тўлдирилган. Улар ҳужжатни идентификация қилиш, унинг тури, шакли, ўлчамлари, қайси материалдан тайёрланганлиги, қайси фондда сақланиши ва қайси инвентарь рақам остида қайд этилганлиги ҳақида маълумот беради. Пастки икки ячейканинг биринчисида (дефектлар) эса, ҳужжатнинг нуқсонлари, унга етган талофатлар ва унинг заиф томонлари кўрсатилган. Улардаги маълумотлар, биринчидан, ҳужжатнинг жисмоний ҳолатидан хабар

берса, иккинчидан, реставрация амалиёти оширилишидан аввал ҳужжатнинг ҳолати қандай бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Бу тарихий ҳужжатга нисбатан амалга оширилган барча ўзгартириш ва янгиликларни қайд этиш, протоколлаштириш нуқтаи-назаридан жуда аҳамиятли. Энг охири ячейкада (тавсиялар) консерватор-реставраторлар тарихий ҳужжатнинг аҳволини стабиллаштириш учун қандай амалиётлар амалга оширилиши зарур эканлиги, ҳужжатга ишлатилган материаллар спецификасидан келиб чиқиб, қайси турдаги ашёлар ишлатилиши кераклиги, ва ниҳоят, ундан фойдаланиш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида тавсия ва кўрсатмалар берганлар.

Юқорида кўрсатилган тартибдаги мониторинг натижалари ҳужжатларнинг ҳозирги пайтда қай аҳволдалигини билиш, уларнинг жисмоний ҳолатини тадқиқ қилиш имконини беради. Биз яхлит коллекциянинг умумий аҳволи ва коллекциядаги ҳар бир алоҳида ҳужжатнинг ҳолати ҳақида тасаввурга эга бўламиз. “Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ кўлёмалари марказида сақланаётган тарихий ҳужжатлар ҳолати таҳлили ва сақлаш шароитларини яхшилашнинг илмий асослари ва амалиёти” гранти доирасида ўтказилган тадқиқотлар натижасида Институтнинг ҳужжатлар фонди ҳақида аниқ маълумотлар олинди. Ҳар бир ҳужжат юқорида кўрсатилган жадвал асосида тадқиқ қилиниб, ҳужжатлар аҳволини ўзида батафсил акс эттирган реестр тузилди. Унга кўра, натижалар қуйидагича:

Жами 5422 та ҳужжатдан 2130 таси яхши; 1971 таси ўрта; 1067 таси ёмон ва 254 таси жуда ёмон аҳволда.



Йиғилган маълумотлар фондларда сақланаётган ҳужжатларнинг сақлаш шароитларини яхшилаш учун қандай лойиҳалар амалга оширилиши керак эканлиги, бу тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш учун қанча маблағ, қайси йўналишдаги мутахассислар, қандай ашёлар ва кимёвий реактивлар керак бўлади, каби саволларга жавоб беради. Бошқача қилиб айтганда, бу бир лойиҳанинг ниҳояси эмас, балки, келажакда амалга оширилиши режалаштирилаётган бошқа аҳамиятли стратегик лойиҳаларнинг дебочаси, уларнинг чуқур илмий асосга эга бўлган биринчи мантиқий босқичидир.

Семинар учун саволлар:


1. Тарихий ҳужжатлар коллекциясини мониторинг қилиш
2. Ҳужжатларни техник тавсифлаш ва унинг афзалликлари

Адабиётлар рўйхати:

1. Исламов Ш.Г. Шарқ қўлёмалари марказида сақланаётган тарихий ҳужжатлар коллекцияси: тарихий тадқиқотлар, ислоҳотлар ва келгуси вазифалар // Шарқшунослик илмий журнали, №2-3, 2015. – Б. 109-114.

2. Пулатов Ш.З. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган тарихий ҳужжатлар ҳолати таҳлили ва сақлаш шароитларини яхшилашнинг илмий асослари ва амалиёти гранти ҳақида // Info Lib ахборот-кутубхона хабарномаси. – Тошкент, 2017. – №3. – Б. 78-86.





6-МАВЗУ. ҚЎЛЁЗМА ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАЪМИРЛАШДА РЕСТАВРАТОРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

Режа:

1. Реставртор эътибор қаратиши лозим бўлган муҳим жиҳатлар
2. Тарихий объектга етадиган зарарларни минимумлаштириш шартлари
3. Нотўғри реставрация ва унинг оқибатлари

Таянч иборалар: *қўлёзма, ҳужжат таъмири, реставрация, консервация, таъхис, стабилизация*

Қўлёзма ҳужжатлар устида консервация ва реставрация амалиётини ўтаётган мутахассис куйидаги жиҳатларга эътибор қаратиши, қайд этилган маълумотларга эга бўлиши лозим:

- *Қўлёзма ҳужжатлар, тарихий маълумотларнинг ишончли базасидир. Улар бизни аجدодларимиз билан боғлаб турувчи ришта бўлиб, тарихимиз ҳақида маълумот берувчи асосий манбалардир;*
- *Қўлёзма ҳужжатларнинг аксарияти қадимий, улар ёзилган материаллар ўта заиф ва улар механик ҳамда атроф-муҳитдаги ўзгаришларга ўта таъсирчан;*
- *Тарихий ҳужжатлар сақланаётган фонд ёки коллекцияларнинг мулкчилик шаклидан қатъий*

назар, умумхалқ, умуммиллат ва умумжаҳон бойлиги ҳисобланади;

Биз юқорида санаб ўтган сабаблар тарихий ҳужжатларга нисбатан амалга ошириладиган ҳар қандай ташқи таъсирлар чуқур илмий асосга эга бўлишини тақазо этади. Юқоридаги бобларда таъкидланганидек, ҳужжатларга нисбатан превентив консервация амалиётининг татбиқ этилиши коллекцияларни сақлашда энг оптимал ечимдир. Бошқача қилиб айтганда, бирор экспонат, ёки ҳужжат таъмирталаб аҳволга келиб қолмасидан бурун, унинг аҳволини стабиллаштирувчи ва унга зарар етказиши мумкин бўлган факторларнинг олдини олиш керак. Превентив консервация тадбирлари ўз вақтида амалга оширилмаганлиги туфайли тарихий ҳужжатга етказилган зарар, аксарият ҳолларда унга сарфланиши керак бўлган маблагдан анча кўп моддий ва меҳнат ресурслари эвазига ҳам тиклаб бўлмас оқибатларга олиб келади. Шунга қарамай, баъзи ҳолатлар борки, унда реставраторларнинг аралашувисиз вазиятни ўнглаб бўлмайди. Бундай ҳолатларда тарихий ёдгорликнинг тақдири бир ёки бир неча кишидан иборат реставраторлар гуруҳининг измида бўлади. Бундай вазиятда тарихий объектга етказилиши мумкин бўлган зарарни минимум даражага тушириш, унинг тарихий таркибий қисмларининг йўқотилишининг олдини олиш учун бир қанча қатъий қоидаларга риоя қилишимиз зарур бўлади:

✓ тарихий ёдгорликлар (қўлёзмалар) консервация ва реставрацияси чуқур илмий асосга эга бўлиши керак.

Реставрация амалиёти тахминий хулоса ва чамалаш бошланган нуқтада зудлик билан тўхтатилади;

✓ *барча ҳаракатларнинг қўлёзмаларга минимал даражада таъсир кўрсатиб, уни максимал даражада сақлаб қолишга йўналтирилиши. Бунинг учун реставратор таъмирлаш ишларини бошламай турибоқ, унга нисбатан амалга оширадиган тадбирларининг чегарасини аниқ тасаввур қилиши керак бўлади;*

✓ *ёдгорликларни консервациялаш ва реставрация қилиш жараёнининг холислиги ва қўлёзмаларнинг аслиятига нисбатан ҳар қандай ташқи таъсирнинг асосланган бўлиб, у қўлёзмага етган зарарни бартараф этиш учунгина амалга оширилиши. Бу ҳолатда ҳар қандай бошқа омиллар, масалан коллекция эгасининг ёки буюртмачининг илтимоси ҳужжатни нотўғри суратда таъмирлашга асос бўла олмайди;*

✓ *бажарилган ишлар ва ҳужжатга нисбатан амалга оширилган ҳар қандай ўзгартириш реставраторлар томонидан махсус дафтарда қайд этиб борилиши. Бу қайдлар келажакда ҳужжат қайта таъмирга муҳтож бўлган ҳолатларда унинг қайси қисмлари аслиятига дахлдорлиги, қайси қисмлари қандай ўзгартиришларга учрагани каби саволларга жавоб бериб, тадқиқотчилар ва реставраторларнинг ишларини енгиллаштиради;*

✓ *таъмирланаётган тарихий объектнинг реставрациядан олдинги ва таъмирлаш жараёнидан кейинги ҳолати акс эттирилган фотосуратларнинг мавжуд бўлиши. Бу фотосуратлар бажарилган иш*

кўлами ҳақида ҳисобот бериш, ҳужжатнинг асл кўринишини идентификация қилиш, унга киритилган ўзгартиришлар ҳақида визуал хулоса чиқариш имкониятини беради;

✓ ҳужжатларни таъмирлаш учун ишлатилган услуб ва материаллар тарихий ҳужжатнинг аслиятига зарар етказмаслиги;

✓ тарихий объектнинг аслиятига нисбатан киритилаётган барча ўзгартиришларни орқага қайтариш имкониятининг мавжуд бўлиши. Бунинг учун реставратордан ҳужжатга зарар етказмайдиган махсус нейтрал материаллар ва услублардан фойдаланиш талаб этилади.

Юқорида санаб ўтилган тамойиллар узоқ йиллар давомида дунёнинг турли мамлакатлари мутахассислари томонидан шакллантириб бўрилган. Улар тарихий ёдгорликларнинг барча турлари учун умумий бўлиб, ёдгорликларнинг ўзига ҳос жиҳатлари туфайли бир оз фарқланиб ёки тўлдирилиб борилиши мумкин. Тарихий ҳужжатлар мисолида шуни айтишимиз мумкинки, улар бир неча юз йил давомида кечган эскириш жараёни таъсирида реставрация лабораториясига келиб тушади. Аммо, малака етишмаслиги, эътиборсизлик, ўз ишига масъулият билан қарамаслик каби сабаблар туфайли ҳужжатларга асрлар давомида етказилган йалофатдан кўпроқ зарар етказиб қўйилиши мумкин. Консерватор - реставраторлар томонидан шакллантирилган қўлёмаларга зарар етказувчи асосий омиллар рўйхатида “яхши ниятда қилинган

реставрация” (Well-Meaning Repairs) бежизга алоҳида таъкидлаб ўтилмаган.

Нейтрал материаллар- рН даражаси кўрсаткичи 7 га тенг бўлиб, на кислотали ва на ишқорли асосга эга бўлган ашё ва моддалар

Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган 12165 рақамли кўлэзма ёмон аҳволдалиги, ундан фойдаланиш жараёни талофатларнинг янада чуқурлашувига олиб келаётганлиги туфайли лабораториямизга олиб чиқилди. Дастлабки таҳлиллар шуни кўрсатдики, талофатларнинг асосий сабаби - “Яхши ниятда қилинган” реставрация. Кўлэзма ўрам (рулон) шаклида бўлиб, табиийки, дастлаб унинг четлари емирила бошланган. Унинг умрини узайтириш, емирилиш жараёнини тўхтатишдек эзгу мақсадни ният қилган “реставратор” кўлэзмани бутун периметри бўйлаб саноат қоғози ва келиб чиқиши бизга номаълум бўлган оқиш тусли қаттиқ елим (ПВА ёки кўлда тайёрланган хамир елими бўлса керак) билан “мустаҳкамлаб” чиққан. Бу инсоннинг нияти яхши бўлганлиги, ўз дунёқарашидан келиб чиқиб кўлэзмани сақлаб қолишга ҳаракат қилганлигига ҳеч қандай шак шубҳа йўқ. Шунингдек, кўлэзма кимнингдир буюртмаси бўйича таъмирланган бўлиши эҳтимоли бор. Буюртмачи таъмирловчининг бошлиғи, кўлэзманинг харидори ёки эгаси бўлиши ва ундан юқоридаги таъмирлаш ишларини амалга оширишини сўраган, талаб қилган бўлиши мумкин. Аммо, бу ҳолатлар реставраторни оқловчи сабаб бўлиб хизмат

қилмайди. Айнан “реставратор” қуйидаги суратларда кўрсатилган шикастланишларнинг асосий сабабчиси.

Қаттиқ, эгилувчан бўлмаган елим куригач, букланмайди, аксинча синади. Паст сифатли саноат қоғози эса, дастлаб қўлёзма варағини мустаҳкамлагандек туюлсада, вақт ўтиши билан таркибидаги зарарли моддалар туфайли ўз тусини ўзгартира боради. Эскиш жараёнида унинг рН даражаси тушиб боради ва нафақат ўзининг, балки қўлёзма варағининг ҳам рН мувозанатини бузади.



12-сурат. “Яхши ниятда қилинган реставрация” асоратлари

pH даража - Модда, жисмнинг кислоталик ёки ишқорлилик потенциали. pH даражаси 7 га тенг бўлганида модда ёки жисм нейтрал кўрсаткичга эга ҳисобланади. pH 7 дан паст бўлса, модда кислотали, 7дан 14 гача pH кўрсаткичга эга бўлган ҳолатларда модда ишқорли асосга эга бўлади.

Ҳар гал қўлёмани очиб ишлатишга уринар эканмиз, қотиб қолган елим туфайли унинг маълум қисмлари синиб боради. pH мувозанатининг бузилиши туфайли заифлашиб қолган қўлёмма қоғози эса, йиртилиб боради.

Қўлёмма тўлалигича таъмирланди ва сақлаш учун яроқли бўлган шароитга ўтказилди. Ташқи кўринишидан нисбатан стабил кўринган бу ўрамни таъмирлаш жараёни кутилганидан анча мураккаб кечди.




13-а сурат. “Яхши ниятда қилинган реставрация” асоратлари бартароф этилганидан сўнг




13-б сурат. “Яхши ниятда қилинган реставрация” асоратлари бартараф этилганидан сўнг

Эски таъмирланган ҳудудларни тозалаш қўлёзма учун хавф туғдиради. Иккинчидан, “Яхши ниятда қилинган” реставрация оқибатларини бартараф қилиш, олдин таъмирланмаган уринган қўлёзмаларни таъмирлашдан кўра мураккаблиги, кўпроқ материаллар, ишчи кучи, кўпроқ малака ва ниҳоят кўпроқ вақт талаб қилади.

Оддий реставрация жараёнида биз қуйидаги ҳаракатлар кетма-кетлигига гувоҳ бўламиз:



“Яхши ниятда қилинган” реставрация асорати билан боғлиқ ҳолатда эса, ҳаракатлар куйидаги тарзда амалга оширилади:



Энг ачинарлиси шуки, юқоридаги ҳаракатлар занжирининг иккинчисида тасвирланган тадбир ва амалиётлардан кейин ҳам қўлёзманинг яроқли ҳолга келиши катта савол остида қолади. Қўлёзма ёдгорликларнинг эскириш жараёни муттасил суратда давом этиб борса-да, бу жараённинг суръати ниҳоятда секин кечади. Нисбатан қулай шароитда сақланган ва фондларимиздаги жуда яхши ҳолати билан бизнинг хайратланишимизга сабаб бўлаётган қўлёзмалар бунга яққол мисол бўла олади. Қайсидир даражадаги талофатлар билан етиб келган ҳужжатларнинг аксарияти эса, бу ҳолатга бир неча юз йил давомида тушганлар. Реставрация соҳасидан ҳабардор бўлмай туриб бу ишга қўл ураётган одам эса, бир неча дақиқа ёки соат мобайнида қилган

“реставрация” жараёни давомида юз йиллар давомида етган зарардан хам кўпроқ талофат етказиши мумкин. Баъзи ҳолатларда эса, тарихий ёдгорлик бутунлай яроқсиз холга келади. Шу сабабли реставрация амалиёти фақатгина бунга қатъий эҳтиёж туғилганида, реставрация учун зарур шарт-шароитлар тўлалигича мавжуд бўлганида, юқорида санаб ўтилган тамойилларга риоя қилган ҳолда амалга оширилиши шарт. Бунга реставраторларнинг касбий ахлоқ кодекси мажбур қилади:

“Консервация бўйича малакали мутахассис маънавий мероснинг тарихи, этика ва фалсафаси, қадри ва аҳамияти, илмий принцип ва услублари, бузилиши ва ўзгаришлари, профилактика ва тадбирлар, ҳужжатлаштириши ва консервациялаш методлари ҳақида тасаввурга эга бўлган ваколатли эксперт бўлмоғи лозим”.

“Консервация бўйича мутахассис маънавий мерос объектлари билан бевосита иш олиб боради ва у маънавий мерос объектларининг эгалари ва жамият олдида шахсан жавобгардир. У ҳар қандай шароитда касбий ахлоқ кодексининг мазмун ва моҳиятига зид келувчи ҳар қандай талаб ва илтимосни рад қилиш ҳуқуқига эга”.


Семинар учун саволлар:

1. Реставраторнинг тарихий объект олдидаги масъулияти
2. Тарихий ҳужжатларга етказиладиган зарарларни камайтириш чоралари
3. Нотўғри реставрация оқибатида етказилиши мумкин бўлган асосий зарарлар

Адабиётлар рўйхати:

1. The Conservator-restorer: a definition of the profession // ICOM Committee for Conservation, 1983. – 5 p.
2. Пулатов Ш. Яхши ниятда қилинган реставрация: сабаблар, мисоллар, оқибатлар // Шарқшунослик. – Тошкент, 2015. – №2-3. Б.
3. Пулатов Ш. Қўлёзмалар консервацияси ва реставрациясининг асосий принциплари // Ёзма меросимиз – халқ мулки – семинар материаллари тўп. – Тошкент, 2012. – Б. 25-29





7-МАВЗУ. ҚЎЛЁЗМА ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАЪМИРЛАШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ МАТЕРИАЛЛАР

Режа:

1. Тарихий ҳужжатларни реставрация жараёнида қўлланилиши лозим бўлган материалларнинг ўзига хослиги

2. Япон реставрация қоғози.

3. Метилцеллюлоза елими

4. Clugel-G елими

5. Крахмал елим

6. Кислотасиз картон

Таянч иборалар: *материал, япон реставрация қоғози, метилцеллюлоза, елим, Clugel-G, крахмал, кислотасиз картон*

Қўлёзма ҳужжатларни таъмирлаш учун зарур бўлган асосий шарт-шароитлар қаторида, реставрация қилиш учун яроқли бўлган материалларнинг мавжуд бўлишлиги жуда муҳим омил ҳисобланади. Таъмирлаш ишларининг биринчи босқичи тарихий ҳужжатга нисбатан амалга оширилиши зарур бўлган муолажа ва ўзгартиришларнинг белгилаб олинishi ҳисобланса, иккинчи босқичда зарур ашё ва материаллар танлаб олинади. Реставрация учун ташқи кўринишидан сифатли кўринадиган ҳар қандай материал ҳам яроқли ҳисобланмайди. Реставрация-консервация соҳаси жадаллик билан ривожланиб

бормоқда. Бунинг асносида реставраторлар учун материал ва хом-ашё етказиб берувчи корхоналар ҳар йили кўплаб янги турдаги иш қуроллари ва материалларни таклиф қилмоқдалар. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам реставраторлар орасида оммалашиб кетмайди. Бунга сабаб, биринчидан, бу ашёлар воситасида таъмирланаётган объектларнинг ноёблиги бўлса, иккинчи тарафдан уларнинг эскилиги ва бошқа материал ва кимёвий элементлар таъсирига ўта берилувчанлигидир. Шундай моддалар борки, улар маълум муддат давомида ўзини инерт модда сингари тутсада, маълум вақт ўтгач, ўзини қоғознинг ичида кечаётган зарарли жараёнларни тезлаштирувчи катализатор сифатида намоён қилиши мумкин.

Инерт – бошқа моддалар билан кимёвий реакцияга қийинчилик билан киришувчи ёки умуман киришмайдиган модда.

Катализатор – ўзи бошқа модда билан кимёвий реакцияга киришмаса-да, бошқа икки модданинг ўзаро реакцияга киришув жараёнини тезлаштириб юбориш хусусиятига эга бўлган элемент.

Айнан шу тоифадаги моддалар қўлёзмаларга узок йиллар давомида кўрсатилган зарарли таъсирдан кучлироқ куч билан ўта қисқа муддатда катта зарар етказиши мумкин. Шу сабабли, қўлёзма ҳужжатлар учун юқори сифатга эга бўлган, етакчи консервация марказларининг лабораторияларида текширилган, реставраторлар

томонидан узоқ муддатда синовдан ўтказилган материал ва ашёларни ишлатиш тавсия қилинади. Қуйида биз реставрация жараёнида ишлатиладиган юқори сифатли материалларнинг баъзиларига бир оз батафсил тўхталиб ўтамиз.

1. *Япон реставрация қоғози*. Wasi ёки Wagami номлари билан машҳур булган анъанавий Япон қоғози. Бу турдаги қоғоз Kozo дарахти поясининг пўстлоғи ва Gampi ёки Matsumita буталарининг пўстлоғидан олинади.

Wasi ёки Wagami - Япон тилидан таржима қилинганида “Япон қоғози” маъносини билдиради.

Gampi ёки Matsumita – ботаника фанида Edgeworthia papyrifera номи билан машҳур ўсимлик.

Баъзи қоғоз турларига шунингдек, бамбук, гуруч ва кўкнори пояларининг толалари ҳам кўшилади. Оддий дарахт пўстлоғидан олинган целлюлозага нисбатан пишиқлиги, эгилувчанлиги ва стабиллиги билан ажралиб туради.

Ишлатилиш доираси: Целлюлоза асосга эга бўлган тарихий хужжатлар, протеин асосга эга бўлган (чарм, пергамент) хужжат ва муқовалар ва бошқаларни таъмирлаш.

Афзалликлари: Япон реставрация қоғози бошқа турдаги қоғозлардан толасининг узунлиги, пишиқлиги ва елимни ўзидан ниҳоятда осонлик билан ўтказиши билан ажралиб туради. Шу хусусияти туфайли махсус елимлар


билан қўшиб ишлатилганида, жараённи осонлик билан орқага қайтариш имкониятини беради. Ишлаб чиқарувчилар бозорда таклиф қилаётган япон қоғозлари турли хил ҳажмда ва қалинликда бўлиб, турфа хил услубларни қўллаган ҳолда, кенг қамровли вазифаларни бажариш имкониятини беради. Япон қоғозининг ниҳоятда шаффоф ва юпқа турлари эса, қаттиқ шикастланган тарихий ҳужжатлар сатҳини тўлалигича қоплаган ҳолда мустаҳкамлаб, ундаги матннинг йўқотилмаслигини таъминлайди. Реставрация учун чиқарилган япон қоғозларининг аксариятида рН даража меъёридаги 7,0 дан бир оз юқорироқ бўлиб, буферизация қилинган.

Буферизация - модда таркибидаги зарур унсурларнинг атайлаб заҳиралаштириб қўйилиши.

Бу амалиёт таъмирланган қисмларнинг узоқ йиллар стабил ҳолатда сақланишини таъминлайди. Етакчи ишлаб чиқарувчилар таклиф қилаётган қоғозларнинг рН даражаси 7,0 дан то 8,0 гача бўлиши мумкин.

Камчиликлари: Япон реставрация қоғози анча қиммат туради. Шунингдек, бизнинг Республикамизда бу турдаги қоғоз билан мунтазам савдо қилувчи ширкатлар мавжуд эмас. Биздаги мавжуд қоғозларнинг туси деярли бир хил бўлиб, турли ранг градацияларига эга бўлган ҳужжатлар учун мос рангли қоғоз танлаш имконияти чекланган.

2. *Метилцеллюлоза елими.* Ок тусдаги аморф



R = H or CH₃

кукун кўринишидаги елим.

Баъзи кристалл кўринишдаги турлари шаффоф елим ҳосил қилади.

Совуқ сувда ҳамда баъзи органик кислота ва эфирларда яхши эрийди. Кимёвий формуласи $[C_6H_7O_2(OH)_{3-x}(OCH_3)_x]_n$.

Аморф – қаттиқ, аммо кристаллик панжара асосга эга бўлмаган модда

Ишлатилиш доираси: Реставрацияда целлюлоза асосга эга бўлган (қоғоз) ҳужжатларни таъмирлаш учун метилцеллюлозанинг 2,5% дан 3,5% гача бўлган эритмаси ишлатилади. Қоғоз сатҳини оҳорлаш учун 0,5дан 1%гача бўлган эритмаси қўлланилади. Муқова ва протеин (чарм) асосга эга ҳужжатларни таъмирлаш учун метилцеллюлозанинг 5% эритмаси тавсия қилинади.

Афзалликлари: Метилцеллюлоза елими тарихий ҳужжатларни таъмирлаш учун жуда мос келади. Метилцеллюлоза елими узок муддат ўзининг хусусиятларини йўқотмай туради. Саклаш учун алоҳида шарт-шароитлар талаб қилмайди. Инсон организми учун зарарли таъсирлари йўқ. У қоғоз таркибига ҳам ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди. Метилцеллюлоза елими

куригач, юпқа шаффоф қатлам ҳосил қилади. Бу қатлам ПВА ва силикат елимларидан фарқли тарзда жуда юмшоқ ва эгилувчанлиги сабабли китоб варақлари букилганида синмайди. Унинг яна бир муҳим хусусиятларидан бири шуки, метилцеллюлоза воситасида елимланган қоғозларни зарур бўлганида қўлёзма хужжатга зарар етказмаган ҳолда қайта кўчириб олиш мумкин. Бунинг учун елимланган парчаларнинг елими устидан метилцеллюлоза елими билан намлаб чиқиш керак. Тоза сувдан фарқли равишда, метилцеллюлоза елими таркибидаги намлик қоғоз структурасига бирданига сингиб кетмайди. Шу сабабли реставраторда жараёни бошқариш учун вақт ва имконият кўпроқ бўлади. Етарли даражада намланган парчалар олиб ташланиб, хужжат сатҳи текислангач, метилцеллюлоза елими ўзидан кир ва доғлар қолдирмайди.

Камчиликлари: Метилцеллюлоза елими баъзи елимлар каби бир материални иккинчисига қисқа муддатда мустаҳкамлай олмайди. Таркибида сувнинг кўплиги ва юмшоқлиги туфайли қалин картон ва чарм асосга эга хужжатларни таъмирлашда бир оз кўпроқ вақт талаб этилади. Бирок, аслида камчиликдек туюлган бу ҳолат, аслида унинг ижобий хусусиятларидан биридир. Бу хусусият ортида реставратор томонидан бажарилаётган ишларни назорат қилиш ва барча жараёнларни ортга қайтариш имконияти (reversability) туради.

3. *Clugel-G (Klucel-G) елими.* Гидроксипропилцеллюлоза (Klucel G, 300 mPas) елими - гидроксипропил функционал группали целлюлоза эфири бўлиб, оқ тусдаги ҳидсиз ва мазасиз кукун кўринишида бўлади. Ўрта даражадаги елимловчи восита бўлиб, фиксатив

(мустаҳкамловчи) ва елим сифатида ишлатиш тавсия қилинади. Ацетонда ҳам яхши эриса-да, реставрацияда одатда этанолли эритмаси ишлатилади.

Ишлатилиш доираси: Целлюлоза (қоғоз) асосга эга бўлган тарихий ҳужжатларни таъмирлашда ишлатилади. Баъзи ҳолатларда тарихий ҳужжатларнинг уникқан хошияларини мустаҳкамлаш учун фиксатив сифатида фойдаланилади.

Афзалликлари: Clugel-G елимнинг этанолли эритмаси, асосан, сиёҳи суркалувчан бўлган ҳужжатларни таъмирлашда асқотади. 97 фоизли этанол эритмасида тайёрланган Clugel-G елимнинг таркибида сув бўлмаганлиги туфайли, у эрувчан ва суркалувчан сиёҳда ёзилган тарихий ҳужжатларнинг матнига умуман таъсир кўрсатмайди. Clugel-G ни бу турдаги сиёҳ воситасида ёзилган ҳужжатнинг устидан, ёки орқа томонидан мустаҳкамлаб олиш, зарур ҳолатларда бевосита матннинг устида таъмирлаш учун ишлатилади. Таъмирланган бўлақларни олиб ташлаш эҳтиёжи туғилганида ҳам этанол ёки Clugel-Gнинг этанолли эритмасидан фойдаланилади.

Камчиликлари: Clugel-G елимнинг ёпишқоқлик даражаси метилцеллюлоза ёки крахмал елимларникидан заифроқ. Бу ҳолат айниқса, реставрация жараёни тез суръатда бажарилиши керак бўлган ҳолатларда сезилади. Елим таркибидаги этанол ҳавога кўтарилиб кетгунича елимланган бўлақлар жуда заиф бирикиб туради. Бу ҳолат реставратордан кўшимча вақт, сабр-тоқат ва куч талаб қилади. Яна бир ноқулайлик туғдирувчи ҳолат Clugel-G елимнинг таркибидаги этанолнинг кучли ҳиди билан боғлиқ. Этанол асосли елим билан узоқ вақт ишлаш

мобайнида реставратор унинг кучли ҳиди таъсирида бош айланиши, чарчаш каби ножўя таъсирни ҳис қилиши мумкин. Айнан этанолнинг учиб, ҳаво таркибига сингиб кетиши, унинг даставвал мўлжалланган концентрация-сини бир хил даражада ушлаб туришда мураккабликлар туғдиради. Елим таркибидаги этанол ҳавога учиб кетгач, елим куюқлашиб қолади. Суюлтириш учун кўшилган спиртнинг Clugel-G кукунига нисбатини эса, фақат чамалаб баҳолай оламиз. Бу турдаги елим билан узок муддат ишлаш малакасига эга бўлган реставраторлар учун бу қийинчилик туғдирмас, аммо ёш таъмирчилар бу борада баъзи ўнғайсизликларни ҳис қилишлари тайин.

4. *Крахмал елимлар.* Реставрация жараёнида зарур бўлган материаллар қаторида крахмал елимлар алоҳида ўрин тутди. Крахмал елимлар одатда гуруч, жўхори, буғдой ва бошқа бошоклилардан олинади. Реставраторлар доирасида Zin shofy (баъзида Jin shofu) маркаси билан танилган япон буғдой крахмали жуда машҳур. Бу бўлимдаги елимларни айнан шу махсулот мисолида таърифлаймиз. Zin shofy крахмал елими сувда эрувчан, юқори температураларга чидамли, механик стабил ва табиий ёпишқоқлик хусусиятига эга бўлган унсур. Уни тайёрлаш ва ундан фойдаланиш осон.

Ишлатилиш доираси: Zin shofy крахмал елими тарихий хужжатларнинг варақларини таъмирлашда, уларга картон жилд ва ҳимоя қутилари ясашда, варақларни оҳорлашда ишлатилади. Оҳорлаш учун крахмал елимининг суюқ эритмаси қоғоз сатҳига суриб чиқилади ва куритилгач, силлиқ мустаҳкам жисм воситасида жилвирланади. Бу техника, айниқса, шарқ кўлёмаларининг

варақларига мос материаллар тайёрлашда қўл келади. Қўлэзма китобларнинг жилдлари ва корешок қисмларини елимлашдан ташқари Zin shofy воситасида қоғозни қоғозга, чармни қоғозга ва картонни бошқа материалларга елимлаш мумкин. Баъзи ҳолатларда крахмал елимлар қоғозга тус берувчи бўёқлар тайёрлашда қўшимча унсур сифатида қўлланилади. Охириги пайтда реставраторлар Zin shofy крахмал елимини пергамент ҳужжатларни таъмирлаш учун ҳам ишлатмоқдалар.

Афзалликлари: Zin shofy елими юпқа елим қатламини ҳосил қилиши туфайли варақлар букланганида ёки эгилганида қоғоз структурасига зарар етказмайди. Ранги оқ бўлганлиги туфайли шу тусдаги ҳужжатлар таъмирланганида ажралиб қолмайди. Елимлаш хусусияти анча кучли бўлганлиги туфайли, узоқ йиллар давомида ҳолатини ўзгартирмай мустаҳкам ушлаб тура олади. Zin shofy ҳам, юқоридаги елимлар (Метилцеллюлоза ва Clugel-G) каби реверсабелдир. Яъни уларнинг воситасида бажарилган таъмирлаш ишлари оқибатларини қайта бартараф этиш мумкин. Дереставрация қилиш учун ҳужжатнинг крахмал билан таъмирланган қисмларини сув воситасида намлаб, ҳужжатга бириктирилган деталларни яна ажратиб олиш мумкин. Унинг воситасида қоғоз, пергамент, чарм, мато ва бошқа материалларни елимлаш мумкин.

Камчиликлари: Zin shofy елими барча крахмал елимлар каби тез айнийдиган воситалар сафига киради. Саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган француз жўхори крахмал елими, АҚШ да ишлаб чиқарилган пластик пакетлардаги тайёр крахмал елимлари, уларнинг таркибига

кўшилган консервантлар туфайли нисбатан узоқ вақт давомида айнимай турадилар. Бироқ, Zin shofy елимини ўз лабораториянгизда пишириб тайёрласангиз, уни ҳаво кирмайдиган идишда, музлаткичда сақлашингиз керак бўлади. Баъзи реставраторлар эса, крахмал асосга эга бўлган елимларни ҳашаротлар учун озиқ манбаи, деб ҳисоблайдилар.

5. Кислотасиз картон. Кислотасиз материаллар тарихий ҳужжатлар консервацияси ва реставрациясида фойдаланилувчи асосий материаллардан ҳисобланади. Уларнинг воситасида бажарилган ишлар тарихий ҳужжатга бўлган таъсирни минималлаштиришнинг асосидир. Кислотасиз картонлар ҳам, бошқа нейтрал материаллар қаторида тарихий ҳужжатларнинг аҳволини ўзгартирмаган ҳолда сақлаб туришда фойдаланиладиган асосий материаллардан биридир.

Ишлатилиш доираси: Кислотасиз картонлардан қўлёзма китобларнинг муқоваларини таъмирлашда, тарихий ҳужжатлар учун жилд ва ғилофлар ясашда фойдаланилади.

Афзалликлари: Тарихий ҳужжатлар ва қўлёзма китобларни махсус жилд ва ғилофларда сақлаш - превентив консервациянинг муҳим амалиётларидан бири ҳисобланади. Жилд, ғилоф ва қутилар ичида сақланаётган тарихий ҳужжатларнинг уларга бевосита тегиб туриши ва уларда кечаётган пассив кимёвий ва физик жараёнлар таъсирида узоқ йиллар давомида бўлиб туриши, уларнинг иложи борича нейтрал материаллардан ясалишини талаб қилади. Кислотасиз картонлар айнан шу тоифага мансуб

бўлиб, улар ўзининг кимёвий ва физик хоссаларини узок давр мобайнида ўзгартирмай тура олади.


Семинар учун саволлар:

1. Тарихий хужжат реставрацияси материалларининг ўзига хослиги
2. Япон реставрация қоғози ва унинг афзалликлари.
3. Реставрация амалиётида қўлланиладиган елимлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари
4. Кислотасиз картонлар

Адабиётлар рўйхати:

1. An Introduction to Materials // Science for Conservators. Book 1. – London, “The Conservation unit”, 1987. – 112 p.
2. Adhesives and Coatings // Science for Conservators. Book 3. – London, “The Conservation unit”, 1987. – 134 p.





8-МАВЗУ. ҚЎЛЁЗМА ХУЖЖАТЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ЛАБОРАТОРИЯСИ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ЖИҲОЗ, УСКУНА ВА АШЁЛАР

Режа:

1. Қўлёзма хужжатларни таъмирлаш учун зарур бўлган махсус жиҳоз ва ускуналар;
2. Қўлёзма хужжатларни таъмирлаш лабораторияси учун зарур бўлган мебель ва анжомлар;
3. Қўлёзма хужжатларни таъмирлаш лабораторияси учун тавсия қилинган кимёвий компонентлар;
4. Реставратор ва консерваторлар учун шахсий ҳимоя воситалари.

Таянч иборалар: жиҳоз, ускуна, “иш ашёлари” заҳираси, асбоб–ускуналар, кимёвий компонентлар, шахсий ҳимоя воситалари (ШХВ), материал, ашёлар, лаборатория, қўлланма

Биз юқоридаги бобларда қўлёзмаларни таъмирлаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни санаб ўтдик. Табиийки, бу шарт шароитлар қаторида мукамал жиҳозланган лабораториянинг мавжуд бўлишлиги асосий шартлардан биридир.

Албатта, ҳар қандай лаборатория ўзининг моддий аҳволи, ходимларнинг сони ва малакаси, коллекциянинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб иш жойларини ташкил қилади.

Шунинг учун турли лабораторияларнинг жиҳозланиши бир-биридан фарқ қилиши табиий. Бирок, турли ҳил ёзма манбаларни сақловчи коллекциялар учун умумий асос бўлиб хизмат қила оладиган жиҳозлар рўйхатлари ҳам мавжуд. Биз реставрация лабораторияси фаолияти учун зарур бўлган жиҳоз ва анжомларнинг қуйидаги рўйхатини олдик. Бу рўйхат Жонатан Рис-Льюис (Jonathan Rhys-Lewis) томонидан ёзилган “Conservation and Preservation Activities in Archives and Libraries in Developing Countries, An Advisory Guideline on Policy and Planning” қўлланмасидан олинган. Рўйхат 2000-йилнинг Ноябрьда ишлаб чиқилган.



14-сурат. Реставраторнинг иш жойини ташкил қилиш ва унинг иш қуроллари

Тавсия қилинган махсус жиҳозлар рўйхати:

- ◇ Зангламас пўлатдан ишланган консервация раковинаси (фақат мутахассислар фойдаланиши учун)
- Зангламас пўлатдан ишланган жўмрак ва сув чиқариб юбориш қувурига эга бўлган маиший раковина (фақат мутахассислар фойдаланиши учун)
- ◇ 1 та қуритгич
- ◇ Узлуксиз электр қуввати манбаига (UPS) эга бўлган 1 та холодильник ва 1 та маиший музлаткич
- ◇ 1 та микротўлқинли печь (консервация эҳтиёжлари учун)
- ◇ 1 та кесувчи станок
- ◇ 1 та Rotatrim фирмасининг кесгичи
- ◇ 1 та портатив ёруғлик кутиси
- ◇ 2 та А3 форматидаги ҳужжатлар билан ишлаш учун исканжа
- ◇ 1 та А2 форматидаги ҳужжатлар билан ишлаш учун исканжа
- ◇ 1 та ультратовушли намлагич
- ◇ 1 та қўл термогигрометри (атроф-муҳитни назорат қилиб бориш учун)
- ◇ 1 та ҳарорат режимини назорат қилиш имкониятига эга паяльник
- ◇ 1 та тарози

Тавсия қилинган мебель ва жиҳозлар рўйхати:

- ◇ 4 та чизмачилар креслоси
- ◇ 2та чизмачилар столи
- ◇ 2та катта иш платформаси ва шкаф (блокларга бўлинган, мобил – 1та стационар ёруғлик қутиси ўрнатиш учун)
- ◇ 1та ўрамли материалларни сақлаш учун жиҳоз

Тавсия қилинган асбоб–ускуналар рўйхати:

- ◇ 2 та 50 см.металл чизғич
- ◇ 2 та сирпанмайдиган 100 см.металл чизғич
- ◇ 2 та дурадгорларнинг бурчак ўлчагичи
- ◇ 2 та кичик болғача
- ◇ 2 та 5м. Металл рулетка
- ◇ 5 та бир тамони ўткир, иккинчиси учи ўтмас фальцовка таёкчалари
- ◇ 2 та ўрта катталиқдаги қайчи
- ◇ 2 та кичик ҳажмдаги қайчи
- ◇ 5 та скальпель (№3 ва №4)
- ◇ 500 та скальпель тиғлари (10а; 12; 15; 23; 26)
- ◇ 2 та циркуль
- ◇ 2 та бигиз
- ◇ 2 та игнатутгич
- ◇ 2 та комплект махсус игналар
- ◇ 20 та кисть (турли ҳажмдаги)
- ◇ 2 та ўзгарувчи тиғли пичоқлар
- ◇ 10 та комплект пичоқ тиғлари
- ◇ 2та пинцет, қисқич

Бошқа авсия қилинган нарсалар:

- ◇ 50 та турли ҳажм ва вазнга эга бўлган махсус оғирлик қопчалари (таъмирланаётган ҳужжатнинг қисмларини бостириб қўйиш учун)
- ◇ 20 та плексиглас (60 см х 44 см х 2 см ҳажмли)
- ◇ 50 та ҳароратга чидамли ёғоч ёки ДВП (ДСП эмас) тахтачалари (60 см х 44 см х 2 см ҳажмли)
- ◇ 1 та катта ўлчамдаги кесиш учун гиламча
- ◇ 2 та ўрта ўлчамдаги кесиш учун гиламча
- ◇ 2 та кичик ўлчамдаги кесиш учун гиламча
- ◇ 20 та турли катталиқдаги губкалар
- ◇ 10 та сув пуркагич
- ◇ 1 та дан 16/3 ва 18/3 қалинликдаги тикув иплари
- ◇ Пахта
- ◇ Пахта қаламчалари

Тавсия қилинган кимёвий компонентлар:

- ◇ 10 литр дистилланган сув (бошланғич ҳажм)
- ◇ 5 та зангламас пўлатдан ишланган шпатель
- ◇ Полипропилен қолбалар 100 мл – 5 та; 400 мл – 5 та; 1000 мл – 5 та;
- ◇ 5 та пластик идишлар
- ◇ 10 та ҳаво ўтказмайдиган қопқоқли пластик контейнерлар
- ◇ 5 та зангламас пўлатдан ишланган қошиқчалар
- ◇ 10 блок рН индикаторлари рН 4,4–10
- ◇ 1 та кескир буюмлар (скальпель, пичоқлар) учун бир марталик ғилоф

- ◇ 50 та чангдан ҳимояловчи бир марталик ниқоблар
- ◇ 20 блок бир марталик резина қўлқоплар

Асосий “иш ашёлари” заҳирасини ташкил қилиш учун зарур бўлган материаллар:

- Материаллар заҳирага қабул қилинганидан сўнг уларнинг сарфланиш даражасига қараб олдиндан буюртирилиши шундай бир тузум шакллантирилиши лозимки, токи заҳирада ашёлар тугаб, уларнинг таъминотида узилиш бўлиши лаборатория фаолиятига таъсир кўрсатмасин.

- ◇ 5 ўрам КРАФТ архив қоғози
- ◇ 10 ўрам Маниль архив қоғози
- ◇ 5 ўрам архив ўров қоғози
- ◇ 10 та тўплам 1000 микронлик архив картони (кутилар ясаш учун)
- ◇ 500 та 4 табақали архив контейнерлари (фотоматериалларни сақлаш учун)
- ◇ 10 та фототасма негативларини сақлаш учун кутилар
- ◇ 3та рулон (ҳар биридан) 30 гр/м ва 100 гр/м ли BONDINA толали материали
- ◇ 3та рулон 6 мм ли ролиэстер
- ◇ 10 та пачка ва 2 та рулон “Megasorb” ва “Aquaforte” архив босма қоғозлари
- ◇ 3та рулон (ҳар биридан) “Spider” ва “OK” архив материаллари
- ◇ 1000 варақ 85 гр. архив (текст) фабрика қоғози

- ◇ 1 рулон Fraunot архив материали
- ◇ 2 рулон Terylene материали
- ◇ 5 рулон 250 гр. Полиэтилен
- ◇ 20 рулон Melinex ширкатининг архив полиэстери (75, 100, 125 микрон қалинликдағи)
- ◇ 20 рулон зиғир толали архив лентаси (50 м)
- ◇ 10 000 PE Tyvek ёрлиқлари
- ◇ 10 KGS сув ўтказмас ручкалар
- ◇ 10 та банка буғдой крахмали елими

Қуйидаги мустақкамлаш ускуналари тавсия этилади:

- ◇ 1та исканжа
- ◇ 1та тикув станогии
- ◇ 1стол исканжаси
- ◇ 1та болғача (китоб блокига шакл бериш учун)
- ◇ 12 дюймли пўлат линейка
- ◇ Ёғоч тахтачалар (исканжа орасига олиш учун)
- ◇ Майда фактурали қумқоғоз
- ◇ Турли ўлчамдаги тасмачалар
- ◇ 2 рулон жигарранг ва қора рангли Viskram қоғози (китоб муқовасини қоплаш учун)
- ◇ 25 тадан турли қалинликдаги картонлар
- ◇ 25 та турли қалинликдаги кулранг тусли картон
- ◇ 100 варақ қалин қоғоз (оқ ёки оқиш тусдаги)

Кимёвий муолажаларни амалга ошириш давомида шахсий химоя воситалари (ШХВ) биринчи ва жуда зарур химоя воситалари:


- ◇ Қўл учун – Латекс ёки Нитрил қўлқоплар
- ◇ Бурун ва оғиз учун – чангдан химояловчи ниқоб ёки респиратор
- ◇ Кўзлар учун – шиша ниқоб ёки кўзойнаклар
- ◇ Юз учун – химоя ниқоби
- ◇ Либос – пешбанд ёки иш кийими

Семинар учун саволлар:

1. Қўлёзма ҳужжатларни таъмирлашда қўлланиладиган махсус жиҳоз ва ускуналар;
2. Тарихий ҳужжатларни таъмирлашда қўлланиладиган кимёвий компонентлар;
3. Реставраторлар учун зарур бўлган шахсий химоя воситалари

Адабиёт ва манбаларлар рўйхати:

1. Мирабиле А. От приобретения до экспозиции (Руководство для библиотек и архивов Узбекистана). – Турция: Мега Басым, ЮНЕСКО, 2012. – 68 с.
2. Jonathan Rhys-Lewis. Conservation and Preservation activities in archives and libraries in developing countries: An advisory guideline on policy and planning. – London: ACARM & LMA, 2000. – 82 p.



9-МАВЗУ. ТАРИХИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ КОНСЕРВАЦИЯЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Режа:

1. Тарихий ҳужжатларга нисбатан амалга ошириладиган консервация ва реставрация муолажаларининг асосий босқичлари.

2. Тарихий ҳужжатларни реставрация қилиш жараёнини ҳужжатлаштириш.

Таянч иборалар: *Тарихий ҳужжатлар, консервация, реставрация, консервация тадбирлари, консерватор-эксперт, талофатлар, қўлёзмалар ҳолати тавсифи, реставрация технологияси,*

Қўлёзма ҳужжатларнинг эскириш жараёнини тўла маънода, батамом тўхтатиб қолишнинг иложи йўқ. Уларни консервациялаш эскириш жараёнини секинлаштиришни назарда тутди. Консервация тадбирлари консерватор-экспертларнинг маслаҳатлари асосида ташкил қилинади. Фақат уларгина бу жараённи тўғри ташкил қила оладилар. Реставрация муолажалари эса, консервациянинг бошқа босқичлари фойда бермайдиган ҳоллардагина амалга оширилади. Иш бошланишидан аввал консерватор-экспертлар томонидан ҳужжатнинг консервация жадвали тўлдирилади. Жадвалнинг шакли ва ҳажми ҳар бир коллекция учун турлича бўлиши мумкин, лекин баъзи маълумотлар борки, улар албатта қайд этиб ўтилиши шарт.

Жадвалдаги маълумотларнинг батафсил ва аниқ тўлдирилиши реставрация ишларини тўғри ташкил қилишнинг биринчи босқичидир. Жадвалда қуйидаги зарур маълумотлар акс эттирилиши лозим:

Тарихий ҳужжатнинг инвентарь маълумотлари, формати, материали ва структураси

Тарихий ҳужжатга етган физик, кимёвий ва механик талофатларнинг кўлами ва олдинги таъмирлаш ишлари ҳақида маълумотлар

Тарихий ҳужжатнинг ҳар бир таркибий қисми таҳлили натижалари (сиёҳининг эрувчанлиги, муҳр сиёҳи ва безакларнинг суркалувчанлиги, кислоталик /рН даражаси ва бошқалар)

Тарихий ҳужжатнинг реставрациядан олдинги, реставрация жараёнида ва реставрациядан сўнг ҳолатлари имкон қадар батафсил акс эттирилган фотосуратлар

Бевосита консервация ва реставрация жараёнининг босқичлари ва уларнинг бажарилиш тартиби қуйидагича:

Ҳужжатни чангдан тозалаш;

Дезинфекция ва дезинсекция (инфекция ва ҳашаротлардан тозалаш);

Қуруқ тозалаш;

Муқова ва жилдлардан ажратиб олиш;

Ортикча намлик ва сув асоратларини бартараф қилиш;


Эритгич билан ишлов бериш;

Ишқор воситасида ишлов бериш ва нейтрализация;

Мустаҳкамлаш (фиксация) ва ҳажмни аниқлаш;

Ҳужжатни жидд ёки муқовадан ажратиб олиш;

Таъмирлаш;



15- сурат. Ҳужжатни чангдан тозалаш

- Кемтик жойларни тўлдириш ва коррекция;
- Намлаш;
- Қуритиш ва текислаш;
- Варақларни матн блокига жамлаш;
- Тикиш;
- Матн блокини жилднинг ён тарафи (корешокга) ўрнатиш;
- “Ён деворларни” ясаш;
- Сиртқи муқовани ўрнатиш;
- Муқовалаш
- Ретушлаш (туслаш ва бўяш)
- Коллаж ва композит бўлақларни ўрнатиш;
- Маркировка (номерлаш ва қайд қилиш);

- Ўраш;
- Сақлаш;
- Намойиш қилиш;
- Қадоқлаш;
- Транспортировка;

Юқорида кўрсатилган консервация тадбир ва амалиётлари бажарилиши лозим бўлган тартибда кўрсатиб ўтилган, лекин бу нарса уларнинг барчаси амалга оширилиши шартлигини билдирмайди. Одатда, реставрация жараёнида уларнинг бир неча босқичларинигина амалга ошириш билан кифояланса бўлади.

Аввалги бобларда таъкидлаб ўтганимиздек, асосий мақсадимиз барча тадбирларни амалга ошириш эмас, балки қўлёзмаларга минимал таъсир кўрсатган ҳолда, уларга етаётган зарарни тўхтатиш ва ҳужжатларнинг йўқотилган функционал имкониятларини тиклаш. Малакали консерватор тарихий ҳужжатнинг аҳволи ва мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, фақатгина энг зарур тадбир ва амалиётларни танлаб олиш салоҳиятига эга.

Реставрация жараёнидан кейинги ҳужжатлаштириш ишлари эса, ўз ичига қуйидагиларни олади:

қўлёзма ҳолатининг қисқа тавсифи ва аввалги таҳлилларнинг натижалари;

қўлёзманинг реставрациядан аввалги, таъмирлаш жараёнида ва реставрациядан кейинги аҳволи акс эттирилган фотосуратлар;

консервация ва реставрация тадбирлари кетма-кетлиги ва реставрация жараёнида қўлланилган технология батафсил баён қилинган тавсиф;

келажакда сақлаш ва парвариш қилиш учун маслаҳат ва тавсиялар;

Консерваторнинг исми-шарифи ва реставрация ишларини амалга ошириш даврининг боши ва охиридаги сана;

Семинар учун саволлар:

1. Консервация ва реставрация жараёнини нима учун ҳужжатлаштириш зарур?

2. Тарихий ҳужжатнинг консервация жадвали ўз ичига қандай маълумотларни олади?


3. Консервация жараёни қайси тартибда амалга оширилади?

4. Реставрация жараёнидан кейинги ҳужжатлаштириш ҳақида маълумот

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирабиле А. От приобретения до экспозиции (Руководство для библиотек и архивов Узбекистана). – Турция: Мега Басым, ЮНЕСКО, 2012. – 68 с.

2. Cleaning // Science for Conservators. Book 2. – London, “The Conservation unit”, 1984. – 128 p.



10-МАВЗУ. ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ

Режа:

1. Тарихий ҳужжатлар сақловхонаси учун белгиланган меъёрлар ва зарурий воситалар
2. Тарихий ҳужжатлар сақловхонаси муҳофизларига қўйиладиган талаблар

Таянч иборалар: *ҳужжат, сақлаш, сақловхона, муҳофиз, ёнгин хавфсизлиги, фавқулодда ҳолат*

Тарихий ҳужжатлар сақловхонаси учун белгиланган меъёрлар

Тарихий ҳужжатлар сақловхонасини ташкил этишда белгиланган меъёрларга амал қилиш ноёб ёзма мероснинг хавфсизлигини таъминлаб, зарарланиш ва йўқолишининг олдини олади. Сақловхоналарга қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

- Ноёб манбалар хазинаси ҳар бир минтақада иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда сув тошқинлари, ёнгин ва бошқа табиий офатларни ҳисобга олиб бинонинг қуйи ёки юқори қисмларига жойлаштирилади.
- Сақловхонани тўғридан тўғри қуёш нури тушишидан ҳимоялаш мақсадида унга дераза ўрнатилмаслиги, ўрнатилган тақдирда ҳам улар мустаҳкам ҳимоя тизими ва қуёш нурини тўсувчи, ёнгинга чидамли материаллар билан тўсилган бўлиши лозим. Ҳимоя тўсиғи қуёшдан

ажралган ультрабинафша нурларидан ҳимояланишни таъминлайди.

- Сақловхона мебеллари ва стеллаж/токчали очик жавонлари ёнғинга мойил ашёлардан бўлмаслиги талаб этилади. Бу ёнғин хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Ёғоч ва ҳашаротлар учун озуқа манбаи бўлиб хизмат қиладиган бошқа материаллар ҳам қўлёмаларга зарар етказиши мумкин.
- Фондлар фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда ҳаракатланиш йўналишини кўрсатувчи чизмалар билан таъминланиши лозим. Ушбу чизмалардаги маълумотлар аниқ бўлиб, уларни сақловхонанинг кириш-чиқиш қисмида жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Сабаби, мазкур маълумотга кўп бора эътибори тушган ходим уни онгида узоқ муддат сақлаб қолади ва фавқулодда ҳолатларда аниқ ҳаракат қила олади.
- Сақловхона ёнғин хавфига қай даражада чидамли бўлмасин, ёнғин содир бўлганда автоматик тарзда ишга тушувчи ўт ўчириш қурилмаси билан таъминланган бўлиши лозим. Сақловхоналарда ўт ўчириш қурилмаларининг 2 тури нисбатан кўп қўлланилади. 1-тур: Автоматик тарзда ишга тушувчи кукунли ўт ўчиргич. Бу воситанинг афзаллиги шундаки, у ёнғин хавфи содир бўлган майдонга кукун сочиш билангина қифояланади. Ушбу турдаги ўт ўчириш қурилмаларининг инсон саломатлиги учун нисбатан хавфсиз бўлиб, унинг асоратларини қўлёмадан тозалаб олиш имконияти ҳам мавжуд. 2-турдаги газ асосли ўт ўчириш тизими сақловхонада ёнғин хавфи содир бўлиши билан автоматик тарзда ишга тушиб, бутун

сақловхона бўйлаб ёнгин хавфи бартараф этилишини таъминлайди. Кучли босим остида газ қувурлари орқали чиқарилган газ сақловхонадаги кислород миқдорини кескин пасайтиради. Лекин мазкур тизим билан таъминланган сақловхона ходимлари фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда сақловхонани тез тарк этиш бўйича тажрибага эга бўлишлари зарур.

- Стеллажлар ва сақловхона девори орасидаги масофа 80 см бўлиши мақсадга мувофиқ. Тарихий ҳужжатнинг формати ва шаклидан келиб чиқиб, уларни ячейкали ёки токчали стеллажларга қўйиш лозим. Стеллажларнинг умумий жойлашуви, асосий ҳаракатланиш йўлаклари фавқулодда ҳолатлар ва кўчиш жараёнида ҳаракатланиш учун қулай бўлиши лозим;
- Тарихий ҳужжатлар сақловхонасининг эшик, ер ва шифт қисмлари ёнувчан материаллардан бўлмаслиги лозим. Сақловхона эшиги темирдан ясалган ёки темир қопламага эга бўлиши талаб этилади. Эшиклар иккита бўлиб, темир панжара ва ичкари қисми илгакли қулф билан беркитилиши лозим. Ушбу ҳолат фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда манбаларни эвакуация қилишга қулайдир.
- Электр манбаларига уланиш тизимлари сақловхона ичига ўрнатилмаслиги лозим. Ёритиш тизимлари эса, қўшимча ҳимояланган шиша ичига олинган бўлиши керак;
- Сақловхона ҳарорат ва нисбий намликни ўлчаш асбоблари билан таъминланган бўлиб, уларнинг кўрсаткичларини мунтазам қайд этиб бориш лозим.

*Тарихий ҳужжатларни сақлаш ҳарорати – 18 – 22°
С, нисбий намлик эса, – 50-55% бўлиши талаб этилади.*

Тарихий ҳужжатлар муҳофизини тайинлашниинг асосий шартлари

Тарихий ҳужжатлар муҳофизини унга тегишли бўлган манбаларни талаб даражасида сақланиши ва уларнинг зарарланмаслиги учун масъул шахсдир. Шу боис бош муҳофиз ва бошқа муҳофизлар зиммасига кўплаб вазифалар юкланади. Ҳар бир муҳофизга тегишли вазифаларини қатъий белгилаш ва расмийлаштириш мақсадга мувофиқ. Салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун муҳофизни вазифага тайинлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

✓ Муҳофиз тасарруфига топширилаётган манбалар хазинаси унинг иштирокида тўлиқ хатловдан ўтказилиши ва буйруқ орқали расмийлаштирилиши;

✓ Муҳофиз ўзига тегишли бўлган тарихий ҳужжатларни ўқиш салоҳиятига эга бўлиб, уларнинг моҳиятидан хабардор бўлиши лозим. Мазкур салоҳият манбаларни фойдаланиш учун бериш ва текшириб қабул қилиб олиш жараёнида ёрдам беради.

✓ Тарихий манбани фойдаланишга бериш ва қайта қабул қилиб олиш жараёнларини махсус шнурланган дафтарга қайд этиш;

✓ Сақловхонага муҳофиздан ўзга шахсларнинг кириши мумкин эмас. Хазинага бегоналарнинг кириши зарурати

туғилган ҳолларда уларга муҳофизларнинг ҳамроҳлик қилиши;

✓ Муҳофизнинг хазинада фаолият юритиши учун у зарурий ашёлар билан таъминланиши лозим. Муҳофиз сақловхонада фақат махсус кийим ва пойафзалдан фойдаланиши лозим. Ташқарида кийилган пойафзал ва устки кийимлар билан сақловхонага кириш турли зарарли унсурларни фонд худудига киришига сабаб бўлади.

✓ Меҳнат таътилига кетиш ва ундан қайтган пайтларда хазинадаги манбаларни қайта хатловдан ўтказиш;

✓ Муҳофиз таъмирга муҳтож манбалардан фойдаланишни чеклаш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Таъмир-талаб манбаларга тадқиқотчиларнинг эҳтиётсизлиги туфайли қайта тиклаб бўлмас талофатлар етиши мумкин. Тарихий ҳужжатларнинг сақланиш ҳолати, нуқсонли жиҳатлари ва таъмирталаблик ҳолатларини қайд этиб бориш лозим.

✓ Муҳофизнинг доимий вазифалари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг бажарилиши тарихий ҳужжатларнинг узок муддат сақланишига хизмат қилади. Булардан асосийлари қуйидагилар:

✓ Тарихий ҳужжатлар сақловхонасини автоматик тарзда шамоллатишни таъминлайдиган қурилманинг мавжуд бўлиши энг зарур факторлардан биридир. Бунинг имкони бўлмаган сақловхоналарни эса, ҳар куни шамоллатиш, ҳавосини янгилаб туриш талаб этилади.

✓ Сақловхона ҳарорати ва намлигини доимий тарзда назорат қилиш ва маълумотларни қайд этиб бориш.



16-сурат. Сақловхона ҳарорати ва намлигини назорат қилиш жараёни

✓ Сақловхонадаги электр ёриткичлар, ёнғинга қарши ускуналар ва сув қувурларининг созлиги ва талаб даражаси эканлигини доимий назорат қилиш ва қайд этиш зарур.

✓ Чанг ва уларнинг таркибидаги зарарли бактериялар тарихий объектни зарарловчи хатарли омиллардандир. Шу сабабли, муҳофизлар белгиланган муддатларда сақловхонадаги тарихий ҳужжатларнинг устки ва ички қисмларини махсус ҳимоя филтърларига эга бўлган махсус чангютгич воситасида тозалаб туришлари лозим.



17-сурат. Қўлёзмаларни чангдан тозалаш

✓ Тарихий объектларни бир ердан бошқа ерга кўчиришда махсус арава ва пломбалаш имкони бўлган кутилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.



**18- сурат. Қўлёзмаларни ташиш учун мухрланадиган
махсус кути.**



19- сурат. Сақловхона стеллажларини жойлаштириш.

✓ Сақловхона стеллажларида манбаларни олиб-қўйиш қулай бўлган жойларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу улардан зиёнсиз фойдаланишни таъминлайди.

✓ Қўлёзма китоблар ва китоб шаклидаги тарихий ҳужжатларни форматига мос тарзда тўғри вертикал ёки горизонтал ҳолатда жойлаштириш лозим.

✓ Ноёб манбаларни ҳар қандай ҳолатда ҳам полда сақлаш мумкин эмас. Мазкур тарзда сақлаш уларга қайта тикланмас даражада зарар етказиши мумкин.

✓ Манбаларни стеллажга жойлаштиришда уларнинг сақловчилар ва махсус фонд аравачаларининг ҳаракатланишига ҳалал бермаслигига эътибор бериш лозим.

✓ Китоб, рулон ва варақ шаклдаги тарихий ҳужжатларни жилд, кути каби махсус идишларда сақлаш лозим.



20- сурат. Тарихий ҳужжатларни жойлаштириш.



21 - сурат. Стеллажларни тўғри жойлаштириш.



22 – сурат. Рулон ва варақ шаклдаги тарихий ҳужжатларни махсус идишларда сақлаш

Мазкур қоида ва тартиблар бевосита муҳофизнинг асосий вазифалари ҳисобланиб, тарихий ҳужжатлар сақловхонаси фаолиятининг талаб даражасида юритилишини таъминлайди.

Семинар учун саволлар:

1. Тарихий ҳужжатлар сақловхонаси учун меъёрлар;
2. Сақловхона муҳофизни бажариши лозим бўлган вазифалар ва уларнинг моҳияти

Адабиётлар рўйхати:

1. Care and handling of manuscripts (Хранение и перемещение рукописей) // Cultural heritage protection handbook 2. – Published by the UNESCO Office in Tashkent, 2008. – 43p.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёмалари маркази “Шарқ қўлёмалари хазинаси” муваққат Йўриқномаси”. 2015. – 17 б.





11-МАВЗУ. ТАРИХИЙ ХУЖЖАТЛАРДАН ТЎҒРИ Фойдаланишни ташкил қилиш

Режа:

1. Тарихий ҳужжатлардан фойдаланиш жойи
2. Ўқув залига қўйиладиган талаблар
3. Ўқув зали масъулининг асосий вазифалари
4. Тарихий ҳужжатнинг асл нусхаларидан

фойдаланиш шартлари

Таянч иборалар: *ҳужжат, ўқув зали, муҳофиз, асл нусха, лавҳ*

Тарихий ҳужжатлардан фойдаланиш жойи

Халқаро миқёсдаги қабул қилинган талаб ва меъёрларга кўра, тарихий ҳужжатлардан фойдаланиш жойи махсус ўқув залларида ташкил қилинади. Баъзи муассасаларда ноёб манбалардан фойдаланиш жойи қатъий белгиланмаган ёки белгиланган бўлса-да, тарихий манбанинг қийматидан кўра тадқиқотчилар манфаати устун баҳоланиб, улардан исталган жойда назоратсиз фойдаланишларига шароит яратилган. Ноёб манбаларга бўлган бундай муносабат уларнинг йўқолиши, йиртилиши, назорат қилиш имкони бўлмаган шахсий хоналарда суратга олиниб, руҳсатсиз тарқатилиши, ёки манбаларнинг жиддий зарарланишига сабаб бўлади. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотчиларга тарихий манбаларнинг асл нусхалари эмас, балки уларнинг ўрнини босувчи фото ёки электрон нусхалари фойдаланиш учун тақдим қилинади.

Тарихий ҳужжатлар қоғозининг таркиби, сиёҳи, безаклари ва бошқа кодикологик жиҳатларини ўрганишни мақсад қилган тадқиқотчилар учун эса, манбаларнинг асл нусхаларидан безарар фойдаланиш учун махсус ўқув залини ташкил этиб, унда зарурий шарт-шароитларни яратиш лозим.

Ўқув залига қўйиладиган талаблар

Тарихий манбалар зарарланиш хавфи кучли бўлган объектлар ҳисобланиб, уларга хавф етказмаган ҳолда фойдаланиш учун махсус ўқувзалларида қуйидаги шароитларни яратиш мақсадга мувофиқ:

✓ Ўқув зали рулон, китоб ва варақ шаклидаги тарихий ҳужжатлардан фойдаланиш имконияти яратилган мебеллар билан жиҳозланиши лозим. Китоб шаклидаги ҳужжатлар учун 120° дан катта бўлмаган бурчак остида очилишини таъминловчи лавҳ ёки унинг муқобили бўлган восита қўйилиши лозим.



23 – сурат. Китоб шаклидаги ҳужжатлардан фойдаланиш учун лавҳ.

✓ Ўқув залида дераза мавжуд бўлган ҳолларда, улар орқали манбаларга тўғридан-тўғри ёруғлик тушишининг олдини олиш зарур.

✓ Ўқув залида 150 Lux ёруғликдан ортиқча нур тарқатмайдиган ёритиш ускуналарини ўрнатиш лозим.



24-сурат. Ёруғлик даражасини назорат қилиш

✓ Тарихий хужжатлар ўқув зали маслаҳатчи ходимлардан ташқари манбадан тўғри фойдаланилишини назорат қилувчи ходимлар билан таъминланиши керак. Улар ҳар бир тадқиқотчи (фойдаланувчи) қайси манбадан қай вақтда фойдаланганини мунтазам қайд этиб боришлари

лозим. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида фойдаланувчиларга махсус аъзолик гувоҳномаси берилади ва у манбадан фойдаланишда фуқаролик паспортига қўшиб такдим этилади. Манба фондга қайтиб топширилгандан сўнг паспорт ва аъзолик гувоҳномаси эгасига қайтариб берилади.

✓ Ўқув залида манбалардан фойдаланиш жараёни доимий тарзда видео кузатув қурилмаси орқали назорат қилиниши лозим. Ушбу қурилмаларнинг мавжудлиги фойдаланувчиларни алоҳида хушёрлик ва эҳтиёткорликка чорлашдан ташқари, салбий ҳолатлар содир этилган вақтда уларни эрта аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради.

Ўқув зали масъулининг асосий вазифалари

Оддий кутубхоналардан фарқли ўлароқ тарихий ҳужжатлардан фойдаланиш залида манбалардан фойдаланувчи тадқиқотчилар хатги-ҳаракатларини назорат қилувчи масъул тайинланади.

Унинг асосий вазифалари тарихий манбалардан хавфсиз фойдаланишни ташкил этиш билан боғлиқ.

Ўқув зали масъули зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади:

✓ Фойдаланишга берилган манба, фойдаланган шахс, сана ва бошқа маълумотларни қайд этиш;

✓ Манбадан фойдаланувчига ўқув зали тартиб қоидаларини батафсил тушунтириш;

✓ Манбадан
хазинадан о
ниш (уларни
бошқа салби
✓ Тадқиқот
фойдаланиш
паспортини
✓ Тадқиқот
уларни мунт
✓ Таъқиқот
киритмаслик
✓ Манбадан
қоидаларини
огоҳлантири
чоралари кўр
яратиш;
Ўқув
сақловхонада
ниш жараёни
вақт оралиғи
шахс ҳисобла

Тадқиқот
нусх
Манбанинг
тадқиқотчилад
этилади. М
зарарланиши
саломатлигин

✓ Манбадан фойдаланиш бўйича берилган буюртмани хазинадан олиб келишда махсус аравачалардан фойдаланиш (уларни кутилмаганда қўлдан тушиб зарарланиши ва бошқа салбий оқибатларни олдини олиш учун);

✓ Тадқиқотчиларга манба беришдан аввал ўқув залидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ва фуқаролик паспортини текшириб қабул қилиб олиш;

✓ Тадқиқотчилар манбадан фойдаланаётган даврида уларни мунтазам назорат қилиб туриш;

✓ Таъқиқланган ашё ва буюмларни ўқув залига киритмаслик;

✓ Манбаларни эътиборсиз қолдирган ва фойдаланиш қоидаларини бузган тадқиқотчилардан манбаларини огоҳлантиришсиз қайтариб олиш ва белгиланган таъзир чоралари кўрилгач, улардан фойдаланишларига имконият яратиш;

Ўқув зали масъул ходими тарихий манбани сақловхонадан қабул қилиб олганидан бошлаб, фойдаланиш жараёнида ва уни яна фондга топширилгунича бўлган вақт оралиғида унинг хавфсизлиги учун асосий жавобгар шахс ҳисобланади.

Тадқиқотчиларнинг тарихий ҳужжатнинг асл нусхаларидан фойдаланиш шартлари

Манбанинг асл нусхаси билан ишлаш жараёнида тадқиқотчилардан маълум бир шартларни бажариш талаб этилади. Мазкур шартлар бевосита манбанинг зарарланишини олдини олиш ва тадқиқотчининг шахсий саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ.

✓ Тарихий манбалардан фойдаланишдан олдин ва ундан кейин албатта қўлларни тозалаш воситалари ёрдамида ювиш зарур. Бу фойдаланувчиларнинг баъзи тери касалликлари билан оғримасликлари ва одам терисидаги қўлёзмалар учун зарарли моддаларнинг тарихий манбага тушишининг олдини олади.

✓ Тарихий манбалар билан ишлаш жараёнида, агар манбага бевосита тегиниш талаб этилса, албатта, махсус қўлқопдан фойдаланиш зарур.

✓ Тарихий ҳужжатлардан фойдаланиш даврида ручка, фломастер ва бошқа сиёҳли ўқув қуролларидан фойдаланиш таъқиқланади. Бу воситаларни ихтиёрсиз тарзда ҳужжат сатҳига тегиб кетиши ҳам, унинг юзасида ўчмайдиган доғ ва белгилар қолдиради.

✓ Китобни варақлашда қўлларни сўлак ёрдамида намлаб, саҳифага суртиб очиш қатъиян таъқиқланади. Бу ҳолат фойдаланувчининг саломатлиги учун ҳам, қўлёзма структураси учун ҳам зарарли.

✓ Ноёб манбадан фойдаланаётганда ичимлик ичиш ва таом истеъмол қилиш таъқиқланади;

✓ Фойдаланиш учун берилган ноёб манбани қаровсиз қолдириш мумкин эмас;

✓ Тарихий ҳужжатлардан ўзбошимчалик билан руҳсатсиз нусха кўчириш таъқиқланади. Бу ҳолат нафақат қонун ва ички низоъларга зидлиги, балки ҳужжат саҳифасига ортиқча нурланишнинг жиддий зарар етказиши туфайли ҳам хавфлидир

✓ Китоб шаклидаги хужжатларни 120°дан кам бурчак остида очган ҳолатда фойдаланиш манбанинг зарарланмаслигини таъминлайди.

✓ Рулон ва варақ шаклидаги тарихий хужжатларни махсус кенг ва катта столларга қўйиб фойдаланиш лозим. Айниқса рулон шаклидаги хужжатларни кўтарган ҳолда ўқиш уларнинг йиртилишига сабаб бўлиши мумкин.

✓ Китоб шаклидаги манбалар узоқ ва ноқулай шароитда сақланганлиги туфайли уларнинг саҳифалари бир-бирига ёпишиб қолган ҳолатлар ҳам учраб туради. Шунинг учун манба даставвал ўрта қисмидан очиб кўрилиши лозим.


Агар саҳифаларнинг ёпишиб қолганлиги кузатилса, уларни мустақил очишга уринмасдан, масъул ходимга мурожаат қилиш зарур.

Семинар учун саволлар:

1. Тарихий манбалардан ўқув залидан ташқарида фойдаланишнинг салбий оқибатлари
2. Ноёб манбалардан фойдаланишга мўлжалланган замонавий ўқув заллари учун қўйиладиган талаблар
3. Ўқув зали масъул ходимининг вазифалари
4. Тадқиқотчилар манбаларнинг асл нусхаларидан фойдаланиш жараёнида эътибор қаратишлари лозим бўлган жиҳатлар

Адабиётлар рўйхати:

1. Care and handling of manuscripts (Хранение и перемещение рукописей) // Cultural heritage protection handbook 2. – Published by the UNESCO Office in Tashkent, 2008. – 43p.
2. Документация предметных коллекций (Коллекцияларни хужжатлаштириш) // Cultural heritage protection handbook 3. – Опубликовано Председательством ЮНЕСКО в Узбекистане, 2008. – 36с.
3. Disaster Risk Management for Museums (Управление рисками чрезвычайных ситуаций в музеях) // Cultural heritage protection handbook 4. – Published by the UNESCO Office in Tashkent, 2009. – 48 p.



ИЛОВАЛАР:

1-илова

ГОСТ 7.48-2002 (рус)

МЕЖГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ

**Система стандартов по информации, библиотечному и
издательскому делу**

КОНСЕРВАЦИЯ ДОКУМЕНТОВ

Основные термины и определения

**System of standards on information, librarianship and
publishing.**

Document conservation. Basic terms and definitions

Издание официальное

МЕЖГОСУДАРСТВЕННЫЙ СОВЕТ

**ПО СТАНДАРТИЗАЦИИ, МЕТРОЛОГИИ И
СЕРТИФИКАЦИИ**

Минск

Дата введения 2003-01-01

Предисловие

